Адолат ҳар ишда ҳамроҳимиз ва дастуримиз бўлсин!

ИНСОН ВА ҚОНУН

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

● 2009 йил 8 сентябрь ● сешанба ● № 37-38 (654-655) ● e-mail: info@press-iq.uz ● www.minjust.uz

«Мустақиллик биз учун — ўзлигимизни англаш, юрт тинчлиги ва барқарорлигининг, инсон манфаати, эркинлиги ва фаровонлигининг, биз кўзлаган демократик жамият барпо этишнинг гаровидир»

Газетхон билан юзма-юз:

Кўприк бор эди, энди эса йўқ...

... биз истиқомат қилаётган Шаҳрисабз тумани Кунчиқар қишлоқ фуқаролар йиғинига қарашли Саксонкапа қишлоғи ҳудудидаги кўприкни сел оқизиб кетди.

2 ▸

Пора — нафс сиртмоғи

Орадан ҳеч қанча вақт ўтмай ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари унинг хонасига киришди. Сўнг... Текин даромадга кўз тиккан Б.Эгамов тумшуғидан илинди. Гарчи у қилмишини тан олмай, ҳар хил баҳоналар тўқиса-да, етарлича далил-исботлар ҳамда гувоҳлар қаршисида мум тишлаб қолди.

3 ▸

Қимматга тушган соддалик

— Дўстлар, — дейди Фахриддин янги танишларига, — яхши ҳақ тўланадиган иш бор. Йўл ҳаражатлари, чегарадан ўтишдаги тўловлар ва озиқ-овқат менинг ҳисобимдан. Ўзингиз билан фақат паспортни олсангиз бўлгани.

4 ▸

Шартноманинг қонунийлиги

...Умуман олганда, хўжалик шартномаси нима, деган саволга жавоб берадиган бўлсак, шартнома бу фақат ўзининг ҳисоб рақамига пул маблағларини кирим қилиб олиш учун тузилган ҳужжат эмас, балки томонларнинг ўзаро келишуви, иккала томоннинг саъй-ҳаракатлари натижасида фойда кўриш учун бўлган розилигини ифода этувчи ҳужжатдир.

5 ▸

Чап бермай чанги чиқди

«Уддабурон» тадбиркор қонунга амал қилмай, маҳсулотлар сотувидан тушган 84 миллион 838 минг 600 сўм, 2009 йилнинг ўтган даврида 1 миллиард 615 миллион 630 минг 700 сўм, жами 1 миллиард 700 миллион 469 минг 300 сўм нақд пулни НКМдан ўтказмасдан ва уларни банк муассасасига топширмасдан савдо ва хизмат кўрсатиш қоидаларини кўп бора бузган.

6 ▸

Истиқлол имконияти

Тоғ бағридаги темир йўл

юртдошларимизга мислсиз қулайликлар яратди

МАМЛАКАТИМИЗ иқтисодиётини ривожлантиришда ўзига яраша муҳим аҳамият касб этаётган **"Тошгузар-Бойсун-Қумқўрғон"** темир йўли мамлакатимиз Президенти ташаббуслари билан бунёд этилди. 2004 йилда жануб мўъжизаси деб ном олган темир йўл қурилишига киришилган эди. Ўтган бир йил мобайнида фойдаланишга топширилган ушбу темир йўл юк ташувчи поездларнинг қатнови билан маълум муддат синовдан ўтказилди. Мана, энди мустақиллик байрами арафасида ушбу темир йўлда **"Термиз-Тошкент", "Тошкент-Термиз"** йўналиши бўйича йўловчилар ташийдиган поездларнинг қатнови ишга туширилди.

Айниқса, **"Бойсун-Окработ"** ҳудудидаги баҳорда булутларга туташиб кетадиган баланд тоғ қоялари бағридан ўтувчи темир йўлни кўриб, ҳайратдан ёқа ушлашингиз бор гап. Кечагина шу баланд тоғлар бағридан поезд ўтади, деса у бир афсонага ўхшади. Бугун ана шу юксак тоғлар бағрини тилиб, йўловчи поездлар қатнови амалга ошди.

Ҳа, денгиз сатҳидан 1330 метр баландликда жойлашган кўприклару, илон изидек айланма



Шуробсойнинг жилғаларидан ўтувчи янги темир йўлдан йўловчи поездининг қатнови, ҳамюртларимиз учун муносиб байрам совғаси бўлди.

Собир ЁДИҚОВ,
"Инсон ва қонун" мухбири

ИНСОН ВА ҚОНУН ҳаммамизга етади.

Фақат обуна бўлсак кифоя!

Обуна — 2010

Нашр кўрсаткичи — 137

МУРОЖААТЛАР «ИНСОН ва ҚОНУН» ЭЪТИБОРИДА

Ҳуқуқий баҳо

берилиши таъминланади

«ГУРУЧ ҚУРМАКСИЗ бўлмайди...-ми?» сарлавҳали мақолада ёритилган ҳолатлар мавжуд маълумотларни таҳлил қилиш ва ишга тааллуқли материалларни ўрганиш орқали текширилди.

Дарҳақиқат, Андижон тумани, «Ҳакан» қишлоқ фуқаролар йиғинида фуқароларга якка тартибда уй-жой қуриш учун ер участкалари ажратишда жиддий қонунбузарликка йўл қўйилган.

Хусусан, «Оғуллик» маҳалласида яшовчи Р.Қурбонов вилоят давлат архивидан олинган маълумотларни сохталаштириб, Андижон шаҳрида яшовчи Т.Далимовни алдаш ва ишончини суиистеъмол қилиш йўли билан 5 сотих ер участкасини уй-жой солиш учун ўлчаб бериб, 5 миллион сўмини олган.

2009 йил 20 июнда Андижон тумани прокуроринг қарори асосида Р.Қурбоновга нисбатан Жиноят кодексининг 168-моддаси, 2-қисми, «а» банди билан жиноят иши қўзғатилиб, дастлабки тергов ҳаракатларини олиб боришлик туман ИИБ тергов бўлинмасига топширилган.

Дастлабки тергов жараёни устидан прокурор назорати ўрнатилган бўлиб, мақолада чоп этилган бошқа салбий ҳолатларга терговда ҳуқуқий баҳо берилиши таъминланади.

М.ЭГАМБЕРДИЕВ,
Андижон вилояти прокуроринг биринчи ўринбосари

«Узр, хато ҳисобланибди...»

СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ шаҳар, туман газ филиаллари фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармасининг мутахассислари томонидан Жарқўрғон тумани, Фурқат кўчаси, 6-уйда яшовчи Э.Чориевнинг шикояти атрофлича ўрганиб чиқилди.

Ҳақиқатан ҳам, Э.Чориев хонадонида истеъмол қилинган табиий газ ҳақи хато ҳисобланган. Жавобгар шахсларга нисбатан интизомий жазо қўлланилди.

Ҳозирги кунда газ хўжалигида ишлаётган ходимларни билим савиясини ошириш мақсадида бошқарма томонидан ўқув машғулотлари ўтказиш чора-тадбирлари ўтказилмоқда.

У.ХУДОЙҚУЛОВ,
«Жанубгазтаъминот» УК Сурхондарё вилояти филиаллар фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармаси бошлиғи

Ичимлик суви билан тўла таъминланди

СИРДАРЁ ТУМАНИ прокуратураси томонидан, фуқаро Қўшназаров Ф. ва бошқаларнинг Сирдарё вилояти "Оқова сув" корхонаси томонидан "Сирдарё" ҚФЙ "Сирдарё" маҳалласига 2 км. ичимлик суви ўтказилмаганлиги ва "Сирдарё" маҳалласи аҳолиси сувсиз қолиб кетганлиги юзасидан ёзган аризаси бўйича олиб борилган текширув ишлари якунланди.

Туман прокуратурасининг аралашуви натижасида вилоят "Оқова сув" корхонаси томонидан 2009 йил 4 август кунига қадар "Сирдарё" маҳалласига 2 км. масофага трубалар ётқизилиб, ушбу маҳалла тўлиқ ичимлик суви билан таъминланди.

Т.РАЖАБОВ,
Сирдарё тумани прокурори

Мақоладаги далиллар ўз тасдиғини топди

мансабдор шахс лавозимидан озод этилди

"ИНСОН ВА ҚОНУН" ҳуқуқий газетасининг 2009 йил 28 июль сонида чоп этилган **"Сирли ўйин"** сарлавҳали мақола бошқарманинг умумий йиғилишида барча масъул ходимлар иштирокида муҳокама қилиниб, Оқолтин тумани Ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими бошлиғи Ш.Наманов эгаллаб турган лавозимидан озод этилди.

А.МАХАРОВ,
Сирдарё вилояти Ер ресурслари ва давлат бошқармаси бошлиғи

Тарғибот самарадорлиги

БИЗ БАРПО этаётган ҳуқуқий фуқаролик жамиятида қонун устуворлигини таъминлашда кенг аҳоли ўртасида ҳуқуқий тарғибот ишларини самарали ўтказишнинг аҳамияти беқиёс.

СУРХОНДАРЁ вилояти адлия бошқармаси томонидан бу борада кенг қамровли ишлар йўлга қўйилган. Жумладан, жорий йилнинг ўтган 9 ойида 1623 та ҳуқуқий тарғибот тадбирлари амалга оширилди. Маҳаллий марказий газеталарда 174 та мавзуга оид мақола эълон қилинди.

Яқинда Музработ тумани ҳокимлигида "Конституция — ҳаётимиз кафолати", Қизириқ тумани ҳокимлигида Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганлигининг 61 йиллигига бағишланган "Фуқаролар ҳуқуқларини ҳимоя қилишга масъулмиз" мавзуида туман маҳалла фаоллари билан ўтказилган мулоқотлар ҳам кўпчиликда катта қизиқиш уйғотди.

Ўз мухбиримиз

Мустақиллик моҳияти

ЎЗБЕКИСТОН халқининг тўйу тантанаси, байрами, шодиёна кунлари кўп. Юртимиз бўйлаб катта тантана билан кенг нишонланаётган қутлуғ айём мустақиллигимизнинг 18 йиллик муборак санаси алоҳида шукуҳи, моҳияти ва тарихига эга.

ИСТИҚЛОЛ бизга ўз тилимизни, динимизни, тарихимиз ва маънавиятимизни, юксак қадриятларимизни қайтариб берди. Ҳурлик ва эркинлик Ватан тараққиёти, юрт ободончилиги, халқ фаровонлигининг асосий омили бўлдики, эришган ютуқ ва зафарларимизга дунё ҳамжамияти тан берди.

Тошкент вилояти адлия бошқармасининг ташаббуси билан Қибрай тумани ФҲДЁ бўлимида бўлиб ўтган байрам тадбирида мустақиллигимизнинг мазмун-моҳияти борасида сўз юритилди. "Истиқлол — олий неъмат" мавзуидаги семинар йиғилиши мустақиллигимизнинг 18 йиллик санаси ва Тошкент шаҳрининг 2200 йиллиги муносабати билан ташкил қилинди. Унда туман ҳокимлиги, ҳуқуқ-тартибот идоралари вакиллари, маҳалла фаоллари ва энергетика касб-ҳунар коллежининг ўқитувчи ҳамда талаба ёшлари иштирок этдилар. Тадбирда сўзга чиққанлар Истиқлол нашидаси ҳар биримизнинг қалбимизга фахр-ифтихор туйғуларини ошириш баробарида, юксак масъулият ва огоҳликни талаб этишини алоҳида таъкидлаб ўтдилар.

Алишер ТЎРАЕВ,
Тошкент вилояти адлия бошқармаси етакчи мутахассиси

Тизим тадбирлари

Молия муассасасида давра суҳбати

АКЦИЯДОРЛИК тижорат "Қишлоқ қурилиш Банк"нинг Қўқон шаҳар филиалида "Банк карточкаларидаги имзоларни тасдиқлаш тартиби" мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди.

МАЪЛУМКИ, нотариуслик фаолиятининг мазмуни қонун ҳужжатларига зид бўлмаган ҳужжатлардаги имзонинг ҳақиқийлигини шаҳодатлайди. Жисмоний камчиликлари, касаллиги ва бошқа сабабларга кўра ўз қўли билан имзо қўя олмайдиган шахс учун имзо қўйган шахснинг имзосини шаҳодатлаш чоғида нотариус имзо қўйган кишининг шахсини ҳам, шунингдек имзо қўйишни илтимос қилган кишининг ҳам шахсини аниқлайди. Банк муассасаларига тақдим қилинадиган карточкаларда мансабдор шахслар имзоларининг намуналарини шаҳодатлаш чоғида нотариуслар уларнинг имзоси ҳақиқийлигини ва имзо қўйиш ҳуқуқи ваколатини текширадилар.

Қўқон шаҳар 2-сон давлат нотариал идораси томонидан ташкил қилинган мазкур тадбирда ана шулар ҳақида сўз юритилди. Унда банк мутахассислари ва мижозлари ҳам иштирок этдилар.

Дилноза АТАЖАНОВА,
Қўқон шаҳар 2-сон давлат нотариал идораси катта нотариуси

Соғлом она, соғлом бола — соғлом миллат демакдир

БУГУНГИ кунда оилалар мустаҳкамлигини таъминлаш, фарзандларимизнинг ҳар томонлама комил инсон бўлиб вояга етишларига эришиш давлатимиз сиёсатининг энг устувор йўналишларидан бирига айланган. Юртбошимизнинг 2009 йил 13 апрелда қабул қилинган "Она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлом авлодни шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори ҳам ана шу эзгуликнинг мантиқий давомидир. Дарҳақиқат, соғлом она-соғлом бола, соғлом миллат демакдир. Бунга эса ўз-ўзидан эришиб бўлмайди, албатта. Айни пайтда мазкур масала юзасидан масъул соҳа вакиллари томонидан қарор ижросини таъминлаш борасида муайян ишлар амалга оширилмоқда. Аммо она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш нафақат масъулларнинг, балки ҳар бир оиланинг доимий диққат марказида бўлиши зарур.

Тошлоқ туманидаги Тўхтабоев номли Қишлоқ фуқаролар йиғинида юқоридаги қарорнинг мазмун-моҳиятига бағишланган йиғилишда ана шулар хусусида сўз борди. Тадбир туман ҳокимлиги, ФҲДЁ бўлими ва марказий шифохонаси ходимлари ҳамкорлигида ташкил қилинди.

Барнохон МЎМИНОВА,
Тошлоқ туман ФҲДЁ бўлими мудири

Адлия минбари

ХАЛҚИМИЗ мустақиллигимизнинг 18 йиллик қутлуғ тўйини кенг нишонлади. 18 йил тарих олдида унчалик узоқ давр эмас. Ана шу давр оралиғида юртимизда катта бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Унда юрт фидойилари бўлган тадбиркору деҳқонларимизнинг, қурувчи-ю чорвадорларимизнинг, бир сўз билан айтганда, барчанинг муносиб ҳиссаси бор. Ютуқларимизни дунёдаги етакчи давлатларнинг иқтисодчилари ҳам эътироф этмоқда. Биз учун қувончлиси, ана шу ютуқларда адлия ходимларининг ҳам муносиб ҳиссамиз бор.

ТАДБИРКОРГА ТЎСИҚ БЎЛМАНГ

унинг фаолиятига асоссиз аралашиш, ноқонуний текширишлар, сансоларликлар қилишга йўл қўйилмайди

ЮРТБОШИМИЗНИНГ **"... Ҳаётимиздаги бугунги барча ислоҳот, демократик ўзгаришлардан кўзланган мақсад — юртдошларимизнинг турмушини фаровон қилиш, уларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя этишдир"** деган сўзларини дастуриламал қилган ходимларимиз ўзларига юклатилган вазифаларни сидқидилдан бажаришга ҳаракат қилмоқда. Ҳар бир тадбиркор билан ҳамкор ва ҳамфикр бўлиб ишламоқда.

Таҳлиллар ҳақида фикр юритадиган бўлсак, Қорақалпоғистон Республикасида давлат рўйхатидан ўтган хўжалик юритувчи субъектлар 21660 тадан, шу жумладан тадбиркорлик субъектлари сони 19030 тадан иборат. Шундан, микрофирмалар 17810 та, кичик корхоналар 1220 та, фермер хўжаликлари 9763 та, деҳқон хўжаликлари 1317 тани ташкил этган. Ўтган даврда 294 та тадбиркорлик субъектларининг фаолият кўрсатмаслик сабаблари бўйича мониторинг ўтказилди. Шундан, 2 таси бошланғич сармоя йўқлиги, 105 таси эса айланма маблағ йўқлиги сабабли фаолият кўрсатмаётганлиги маълум бўлди. Вазирлигимиз аралашувидан сўнг Беруний туманида фаолият кўрсатмай турган "Қизил қалъа" кичик корхонасининг фаолияти қайта тикланди.

Республика назорат қилувчи идоралари томонидан 669 та текширишлар ўтказилиб, ўтказилган текширишлар 355 та, режадан ташқари текширишлар 150 тани ташкил этган.

Ўтказилган ўрганишлар давомида 1 та рухсатсиз текшириш ва 7 та текширишнинг белгиланган тартибини бузиш ҳолати аниқланди. Аниқланган ҳолатлар бўйича тегишли идораларга 5 та тақдимнома киритилиб, уларга асосан 8 нафар шахс интизомий жавобгарликка тортилди. 2 нафари эса лавозимидан озод этилди. Жумладан, Кегайли тумани бандликка кўмаклашиш маркази бўйича марказ томонидан ўтказилган текширишларда Ўзбекистон Республикасининг **"Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида"**ги Қонунига риоя қилинмаслик ҳолатлари аниқланди. Марказ томонидан назорат қилувчи идоралар фаолиятини мувофиқлаштирувчи республика Кенгашининг иш режасига ва Кегайли тумани бандликка кўмаклашиш маркази бошлиғининг буйруғига асосан техник инспектор А.Рзамбетов томонидан "Халқабад коммунал хизмат" МЧЖда режали текшириш ўтказилган. А.Рзамбетов томонидан ўтказиладиган текшириш учун чиқарилган буйруқ, рухсатнома ва дастур нусхалари тадбиркорга берилмаганлиги аниқланди. Мазкур ҳолат юзасидан Қорақалпоғистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш вазирлигига тақдимнома киритилиб, тақдимномага асосан Кегайли тумани бандликка кўмаклашиш маркази инспектори А.Рзамбетовга ҳайфсан берилди.

Қорақалпоғистон Республикаси давлат архитектура-қурилиш назорати инспекцияси бўйича назорат қилувчи идораларнинг фаолиятини мувофиқлаштирувчи республика Кенгашининг иш режасига асосан инспекция бошлиғининг буйруғи билан инспекция ходими Б.Каниязов томонидан "Шукуржон" шахсий ижодий устахонасида режали текшириш ўтказилган. Текшириш давомида текшириш ишларига устахона раҳбари жалб этилмаган ҳамда текшириш натижаси бўйича тузилган ҳужжат устахона бош муҳандиси томонидан имзоланган. Шунингдек, тузилган ҳужжатнинг бир нусхаси текширилаётган хўжалик юритувчи субъект раҳбарига берилмаган. Мазкур ҳолат юзасидан Қорақалпоғистон Республикаси давлат архитектура-қурилиш назорати инспекциясига тақдимнома киритилиб, тақдимномага асосан инспекция бош мутахассиси Б.Каниязовга ҳайфсан берилди.

Тижорат банклари томонидан тадбиркорлик субъектларига кўрсатилаётган хизматлар аҳволи таҳлил қилинганда бир қанча қонунбузарликлар аниқланди. АТ "Микрокредитбанк" Тўрткўл тумани филиали фаолияти ҳам сўзимизга исбот бўлади. Банк филиалида **"Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида"**ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ва Вазирлар Маҳкамасининг **"Ижро интизомини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"**ги қарори талабларига риоя этмаслик, яъни келиб тушган мурожаатларни муддатида ижро қилмаслик ҳамда жавоб бермаслик ҳолатлари аниқланди.

Хусусан, "Ҳусан-бобо" корхонаси раҳбари М.Курбанбаев банк бошқарувчиси номига нақд пул масаласи юзасидан мурожаат қилган. Мазкур мурожаат банкда рўйхатга олиниб, мурожаат кўриб чиқиши учун банкнинг етакчи мутахассиси Ж.Матназаровга берилган. Мазкур мурожаат қўшимча ўрганишни талаб қилмаган бўлсада, банк ходими Ж.Матназаров томонидан ўрганиш кунига қадар мурожаат ечилмасдан унинг эгасига ёзма жавоб хати бермаганлиги аниқланди.

Мазкур ҳолат бўйича банк етакчи мутахассиси Ж.Матназаровга МЖтК-нинг 43-моддаси билан маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида баённома расмийлаштирилиб, маъмурий иш ҳужжатлари жиноят ишлари бўйича Тўрткўл тумани судига юборилди.

Солиқлар иқтисодиётимиз таянчи эканлиги ҳеч кимга сир эмас. Солиқчилар қонунга бўйсуниб фаолият кўрсатса, бундан тадбиркорларимиз ҳам ютади. Чунки солиқлар мамлакатимиз иқтисодиётида муҳим ўрин тутади. Бироқ, ДСИ ходимлари ҳам ўз вазифаларига совуққонлик билан ёндашаётганлиги текширишлар давомида маълум бўлмоқда. Жумладан, Кегайли тумани ДСИ фаолияти ўрганиб чиқилганда, инспекция томонидан маъмурий амалиёт қўллашда хатокамчиликларга йўл қўйилганлиги аниқланди. Туман ДСИ бошлиғининг буйруғига асосан туман ҳудудида рейд текшириши олиб борилган. Текшириш давомида фуқаро Э.Нурадиновага нисбатан ДСИ ходимлари томонидан маъмурий жавобгарлик тўғрисида баённома расмийлаштирилган ва ушбу баённомага асосан ДСИ бошлиғининг қарори билан Э.Нурадиновага 104.325 сўм миқдорида жарима солинган. Жаримага тортишда юқорида қайд этилган қарор нусхаси Э.Нурадиновага берилмаган. Худди шундай камчилик яна 24 та маъмурий ишларда такрорланган.

Бундан ташқари, Кегайли ДСИнинг жорий йил 26 февралдаги 89-сон буйруғига асосан "Жасурбек Минлемуратов" хусусий фирмасида қисқа муддатли текшириш ўтказилган. Текшириш якуни бўйича "Жасурбек Минлемуратов" хусусий фирмасининг раҳбари А.Минлемуратовга 104.325 сўм миқдорида жарима солинган. Мазкур жарима вазирлик ходимлари текширгунга қадар ундирилмаганлиги аниқланди.

Тадбиркорлик субъектларини маъмурий жавобгарликка тортишда 44 та қонун бузилиши ҳолатлари аниқланди. Кегайли туманида 34 та, Нукус туманида 10 та эканлиги текширишларда маълум бўлди.

Аниқланган ҳолатлар бўйича тегишли идораларга 5 та тақдимнома киритилиб, тақдимномаларга асосан 8 нафар шахс интизомий жавобгарликка тортилди. Бундан 2 нафари лавозимидан озод этилди. Назорат қилувчи идораларнинг 4 та қарори бекор этилди.

Кегайли тумани ҳокимлиги томонидан тадбиркорлик субъектларининг ишларига асоссиз аралашиш ҳолатлари аниқланди. "Ташаббус-2008" кўрик-танловига ҳомийлик қилиш мақсадида 4 та тадбиркорлик субъектига маблағ ажратилиши топширилган. Бундан ташқари, туман ҳокимининг фармойишига асосан туманда жойлашган 52 та тадбиркорлик субъектларига қора ва рангли металл чиқиндилари миқдори белгиланиб, "Ўзметкомбинат" акциядорлик бирлашмасига келишилган эркин нархларда мажбурий турда топшириш белгиланган.

Шунингдек, Кегайли тумани ҳокимлиги ҳузуридаги тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш инспекциясига фуқаро Жумабай Ҳожиназов якка тадбиркор сифатида давлат рўйхатидан ўтиш учун ариза билан мурожаат этган. Инспекция томонидан давлат рўйхатига олиниб, 698-сон гувоҳномаси берилган. Рўйхатга олишда инспекция ходимлари тадбиркордан 18.630 сўм ортиқча пул олинганлиги аниқланди.

Туман ҳокимининг мазкур фармойишларини бекор этиш юзасидан назорат тартибида протест киритиш сўралиб Қорақалпоғистон Республикаси прокурорига ҳамда тадбиркорлик ва хусусий мулк эгаларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига риоя этиш ва тадбиркорликни ривожлантиришга доир қонун ҳужжатларининг бузилиш ҳолатлари юзасидан Кегайли тумани ҳокимига тақдимномалар киритилиб, тақдимномаларга асосан туман ҳокимининг мазкур фармойишлари бекор қилинди. Туман ҳокимлиги девонхона мудири Х.Атажановга ва ҳокимлик ҳузуридаги тадбиркорлик субъектларини рўйхатга олиш инспекциясининг бошлиғи М.Худайбергеновга ҳайфсан берилди.

Нукус тумани ҳокимлиги томонидан тадбиркорлик субъектларининг ишларига асоссиз аралашиш ҳолатлари аниқланди. Хусусан, туман ҳокимининг жорий йилнинг 21 январь куни 6-Б сонли фармойишига асосан тумандаги "Кердер ММТП" МЧЖ, "Шортанбай ММТП" МЧЖ, "Каттагар ММТП" МЧЖ, "Орнек ММТП" МЧЖ ва "Марказий МТП" Жамиятлари, Қорақалпоғистон Республикаси Ногиронларни тиббий-ижтимоий ва касб бўйича соғломлаштириш марказига 3.000.000 сўмдан ҳомийлик қилиш топширилган. Туман ҳокимининг юқорида қайд этилган қарор ва фармойишини ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисида хўжалик судига 2 та даъво ариза киритилди. Шунингдек, мазкур ҳолатлар юзасидан Нукус тумани ҳокимига тақдимнома киритилиб, тақдимномага асосан туман ҳокимлиги иқтисодиёт бўлимининг бошлиғи К.Убаев ва девонхона мудири Е.Аллабергеновга ҳайфсан берилди.

Тадбиркорлик ва хусусий мулк эгаларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига риоя этиш ҳамда тадбиркорликни ривожлантиришга доир қонун ҳужжатларининг бузилиши юзасидан 19 нафар мансабдор шахс огоҳлантирилди ва тадбиркорлик фаолиятини қўллабқувватлаш, уларни ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизими самарадорлигини ошириш, ишлардаги камчиликларни бартараф этиш хусусида 9 та идорага кўрсатма берилди.

Вазирлик томонидан ҳисобот даврида тадбиркорлар ҳуқуқлари ҳимоя қилиниб, судларга 90.465.614 сўмлик 76 та даъво аризаси киритилиб, 583.858.399 сўмлик даъво аризаси судлар томонидан қаноатлантирилди.

Қишлоқ аҳолисининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини ошириш, қонунийликни мустаҳкамлаш бўйича тадбиркорлар ва фермер хўжаликлари раҳбарларининг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича Қорақалпоғистон Республикаси адлия тизими ходимлари томонидан 15 та оммавий ахборот воситалари орқали 53 та оғзаки ҳуқуқий тарғибот ишлари, 18 та давра суҳбатлари, 32 та семинарлар ва 6 та кўргазмали ҳуқуқий тарғибот ишлари амалга оширилди.

Мақсадимиз келгусида ҳам тадбиркорларимиз билан ҳамфикр ва ҳамкор бўлиб фаолият кўрсатиш. Юртимиз дастурхонини тўкин-сочин қилишда, халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришда ўзларининг муносиб ҳиссасини қўшаётган фуқароларимизнинг ҳақ-ҳуқуқларини ва эркинликларини ҳимоя қилишда ўз олдимизга қўйган мақсадимиз йўлида дадил одимлайверамиз.

Даулетбой ХАЛМУРАТОВ,
Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазири

Адлия ёрдам берди

ТОШКЕНТ вилояти адлия бошқармаси шартномавий-ҳуқуқий ишларни назорат қилиш бўлими томонидан қишлоқ хўжалиги маҳсулоти етиштириш бўйича контрактация шартномаларининг қонуний тузилиши ҳамда уларнинг тўғри ижро қилинишини назорат этиш бўйича қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Шартнома тўғри тузилган

бироқ унга амал қилиш эса...



ПСКЕНТ туманида фаолият юритувчи "Садиёрова Райҳон" фермер хўжалиги билан "Пскент пахта тозалаш" заводи ўртасида 2007 йил 2 январь куни 158 ва 158а сонли контрактация шартномалари тузилган. Шартномага кўра, "Садиёрова Райҳон" фермер хўжалиги жами 91,2 тонна пахта хомашёси етказиб бериш, "тайёрловчи" — "Пскент пахта тозалаш" заводи эса етказиб берилган маҳсулот учун тўловни якуний далолатномага мувофиқ 2008 йил 1 август кунига қадар амалга ошириш мажбуриятини олган. Фермер хўжалиги зиммасига олган мажбуриятни ортиғи билан бажариб, 96 тонна пахта хомашёси етказиб берган. Лекин "тайёрловчи" пахта хомашёси учун тўланиши лозим бўлган 4.278.268 сўм миқдоридаги маблағни тўламай келган. Адлия бошқармаси ходимлари томонидан иш ҳужжатлари ўрганиб чиқилгач, "Пскент пахта тозалаш" заводи ҳисобидан фермер хўжалиги фойдасига шартномада кўрсатилган маблағ ундирилиши лозим деб топилди.

Зеро, контрактация шартномаси ҳуқуқий ҳужжат бўлиб, унинг мажбуриятлари мазкур шартнома шартлари ва қонун талабларига мувофиқ тарафлар томонидан бажарилиши лозим.

Адлия бошқармаси Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 14, 985-моддалари ва **"Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида"**ги Қонун ва бошқа тегишли ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларга асосан "Садиёрова Райҳон" фермер хўжалиги фойдасига жавобгар "Пскент пахта тозалаш" заводидан жами 6.417.402 сўм ундириш ҳақида Тошкент вилояти хўжалик судига даъво ариза киритди. Мазкур даъво ариза вилоят хўжалик судининг 2009 йил 1 май куни қабул қилинган ҳал қилув қарори билан қаноатлантирилди.

Ойбек МАШАРИПОВ,
Тошкент вилояти адлия бошқармаси бўлим бошлиғи

Нажот истаб

Кўприк бор эди, энди эса йўқ...

Ҳашар йўлида қурилган кўпригимизни сел оқизиб кетди

МУСТАҚИЛЛИК йилларида мамлакатимизда мисли кўрилмаган ўзгаришлар юз берди. Бир-биридан кўркам ва осмонўпар бинолар қад кўтарди, ободончилик ишлари амалга оширилмоқда. Халқ фаровонлиги йўлида қатор ижобий тадбирлар қилинаётганига барчамиз гувоҳмиз.

Гапнинг лўндасига ўтсам, бу йил баҳорги ёғингарчиликлар нафақат экинларимизга, балки турмуш тарзимизга салбий таъсир кўрсатгани кўпчиликка сир эмас. Масалан, биз истиқомат қилаётган Шаҳрисабз тумани Кунчиқар қишлоқ фуқаролар йиғинига қарашли Саксонкапа Қишлоғи ҳудудидаги кўприкни ҳам сел оқизиб кетди. Бугунги кунда қишлоғимиз аҳолиси томонидан ҳашар йўлида тикланган кўприк умуман яроқсиз аҳволга келиб қолган... Фарзандларимиз дарёнинг нариги бетидаги мактабга қатнашга қийналишмоқда. Унинг устига қабристон ҳам дарёнинг у томонида. Тўй-маъракаларимизда ушбу кўприкнинг носозлиги оқибатида қатор қийинчиликлар юзага келмоқда.

Сизлардан илтимос, "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили"да мустаҳкам ва замонавий кўприк қурилишида ёрдам қўлини чўзадиган мутасаддилар дардимизга қулоқ тутсинлар...

Ҳурмат билан, салкам 400 хўжалик истиқомат қилувчи Саксонкапа қишлоғи аҳолиси номидан:

Ғафур бобо ҒАФФОРОВ,
Қашқадарё вилояти, Шаҳрисабз тумани

Адлия вазирлиги ва Бош прокуратура: Меморандум ижроси амалда

Мустақиллик ва ҳуқуқ

ЭНГ УЛУҒ, энг азиз байрамимиз — Мустақиллигимизнинг 18 йиллигини кутаринки руҳда нишонламоқдамиз. Бу нурли байрам кўксимизни тоғ қадар юксалтириб, қалбларимизни фахр-ифтихор ҳисларига тўлдиради.

Инсон манфаатлари – қонун ҳимоясида

МУҲТАРАМ Президентимизнинг **"Мустақиллик биз учун — ўзлигимизни англаш, юрт тинчлиги ва барқарорлигининг, инсон манфаати, эркинлиги ва фаровонлигининг, биз кўзлаган демократик жамият барпо этишнинг гаровидир"** деб таъкидлаши бежиз эмас. Бу пурмаъно сўзларда мустақилликнинг халқимиз ҳаётидаги аҳамияти, Ватанимиз равнақига кўрсатган ва кўрсатаётган беқиёс таъсири аниқ ва лўнда ифодаланган.

Мустақиллик йилларида суд-ҳуқуқ тизимида амалга оширилаётган ислоҳотларда асосий эътибор инсон шаъни ва қадр-қимматини юқори кўтаришга, унинг қонуний ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилаётганлиги эътиборга моликдир. Президентимизнинг 2008 йил 1 майдаги **"Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганлигининг 60 йиллигига бағишланган тадбирлар дастури тўғрисида"**ги Фармонида айтилганидек, Ўзбекистон инсон ҳуқуқлари ва манфаатларини жамиятни ривожлантириш ва давлат қурилишининг, бутун ички ва ташқи сиёсатининг энг устувор йўналиши этиб белгилаган.

Ана шундай эзгу мақсадларнинг руёби эса мамлакат ҳаётининг барча соҳаларида қонун устуворлигини таъминлашга кўп жиҳатдан боғлиқдир. Бунда прокуратура органлари зиммасига катта масъулият тушади. Вилоят прокуратураси органлари ҳам ана шу масъулиятни чуқур ҳис этган ҳолда ўз фаолиятларини ҳозирги юксак талаблар даражасида ташкил этишга ҳаракат қилмоқдалар. Қонунийликни таъминлаш, жиноятчиликка қарши курашиш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўйича мунтазам ва самарали ишлар олиб борилмоқда. Ҳудудда барқарорликни таъминлаш, турли кўринишдаги ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олиш, уларга қарши курашиш, тергов ва суриштирув жараёнида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш борасида муайян тадбирлар ўтказилиб, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг жиноятчиликка қарши кураш соҳасидаги фаолиятини мувофиқлаштиришда ижобий натижаларга эришилаяпти. Ҳуқуқ-тартибот органлари ходимлари томонидан ўзаро ҳамкорликда кўрилган чоралар ва амалга оширилган кенг қамровли тадбирлар натижасида жорий йилнинг биринчи ярми давомида умумий жиноятлар сони ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан камайишига эришилди.

Ўтган давр мобайнида вилоят прокуратураси органлари томонидан фуқароларнинг ҳуқуқлари ҳамда юридик шахслар ва давлатнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш юзасидан 523 та текшириш ўтказилиб, фуқаролик ишлари бўйича судларга 27452 та 5 миллиард 582 миллион 449 минг сўмлик, хўжалик судларига 138 та 1 миллиард 97 миллион 458 минг сўмлик даъво аризалари киритилган. Вояга етмаганларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга йўналтирилган қонун ҳужжатлари ижроси юзасидан ўтказилган текшириш натижаларига кўра, 33361 та прокурор назорати ҳужжатлари қўлланилган. Судларда жиноят, фуқаролик ва хўжалик ишлари кўрилишида прокурор ваколатини таъминлашда муайян ижобий натижаларга эришилди, судларнинг асоссиз қарорларига нисбатан апелляция ва кассация протести келтириш самарадорлиги ошди, қонунчилик тарғиботи бирмунча яхшиланди.

"Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" Давлат дастури вазифалари ҳам муваффақиятли бажарилаяпти. Бу борада вилоятимиз қишлоқларида амалга оширилган бунёдкорлик ишларини санаб адоғига етиш қийин. Жойларда қишлоқларни бош режа асосида тубдан қайта қуришга киришилди. Қишлоқнинг замонавий инфратузилмаси яратилмоқда. Бу қутлуғ ишга прокуратура органлари ходимлари ҳам ўз улушларини қўшмоқдалар. Жойларда Дастурда қўйилган вазифалар қандай бажарилаётганлиги прокуратура органлари томонидан доимий назоратга олинган.

Давлатимиз раҳбари мазкур Дастур ишлаб чиқилиши муносабати билан бу соҳадаги вазифалар ҳақида гапириб, "...**қишлоқда пайдо бўлаётган мулкий муносабатларни, янги ўрта синф вакиллари — мулкдорлар, тадбиркор ва ишбилармонларнинг манфаатларини ҳимоялаш бугунги кунда энг катта аҳамиятга эга**", дея алоҳида таъкидлаган эди. Бу йўл-йўриқлар барчамиз учун, жумладан, прокуратура органлари фаолиятида ҳам муҳим дастуриламал бўлиб хизмат қилаверади.

Комил ИСМОИЛОВ,
Қашқадарё вилояти прокурори,
адлия катта маслаҳатчиси

Жиноятга жазо муқаррар

Пора — нафс сиртмоғи

унга илинган кимса элда беобрў бўлади

БЕРДИЁР ЭГАМОВ 1965 йилда Чироқчи туманида туғилган. Оилали, тўрт нафар фарзанди бор. Вилоят молия бошқармасининг "Мулкнинг давлат улуши бўйича дивидендларнинг ҳисобланиши ва улардан фойдаланишни назорат қилиш" бўлими бошлиғи вазифасида ишлаб келган, муқаддам судланмаган. Нима жин урди-ю кейинги пайтларда тўрт нафар фарзандига меҳнат қилиб пул топиб, ҳалол луқма едиришни эмас, турса ҳам, ўтирса ҳам текин даромад қилиш тўғрисидаги хаёллар Бердиёрнинг миясида ғужғон ўйнай бошлади. Ўз хизмат вазифасидан фойдаланган ҳолда "Муборак иссиқлик электр маркази" ОАЖнинг 2006-2007 йиллар якуни бўйича давлат бюджетига жами 1.198.600.000 сўмлик давлат активига ҳисобланган дивидендлар ўз вақтида тўланмаганлиги учун қўлланилган 189 миллион сўм устама (пеня)нинг 109 миллион сўмини бюджетга ундириш юзасидан даъво қилмасликни ваъда бериб, эвазига корхона директори Р.Асамитдиновдан 3700 АҚШ доллари сўраган.

Р.Асамитдинов ўйлай-ўйлай, ниҳоят тўғри қарорга келди. Ариза билан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларга мурожаат қилди. У келтирган важларнинг ростёлғонлигини текшириш мақсадида тадбир ишлаб чиқилди ва холислар жалб қилинди.

Жорий йилнинг 17 июнь куни соат 11.00 ларда Р.Асамитдинов махсус ишлов берилган 3700 АҚШ долларини олиб, Бердиёр Эгамовнинг хизмат хонасига кириб борди ва "Сиз сўраган 3700 АҚШ долларини олиб келувдим", деб пулни Бердиёрнинг столи устига қўйди. У пулни индамай олиб, столи тортмасига солиб қўйди. Орадан ҳеч қанча вақт ўтмай ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари унинг хонасига киришди. Сўнг... Текин даромадга кўз тиккан Б.Эгамов тумшуғидан илинди. Гарчи у қилмишини тан олмай, ҳар хил баҳоналар тўқиса-да, етарлича далил-исботлар ҳамда гувоҳлар қаршисида мум тишлаб қолди.

Б.Эгамов ўзининг ушбу жиноий ҳаракат билан Жиноят кодексининг 210-моддаси 2-қисмининг "б" бандида назарда тутилган жиноятни содир этди.

У судда ўзига нисбатан қўйилган айбга қисман иқрорлик билдириб, "Муборак иссиқлик электр маркази" ОАЖга 2006-2007 йиллар учун ҳисобланган 1.388.400.000 сўм дивиденд ундириш учун 2009 йил 10 февраль куни вилоят хўжалик судига бошқарма бошлиғи Ж.Пардаевнинг имзоси билан даъво аризаси киритилганлиги, судда вилоят молия бошқармасидан вакил сифатида қатнашганлигини, иш судда кўрилиши жараёнида 474 миллион сўми тўланиб, қолган қисмини 2009 йил 20 апрелга қадар тўлаб бериш ҳақида келишув битими тузилганлиги, 10 апрель куни келишув битимини тасдиқлаш тўғрисида хўжалик суди ажрими эълон қилинганлиги, келишув битимига кўра, "Муборак иссиқлик электр маркази" ОАЖ зиммасига асосий қарз ва пеняни 20 майга қадар тўлаб бериш мажбурияти юклатилганлигини баён қилади.

Порахўр Бердиёр Эгамов жиноят ишлари бўйича Қарши шаҳар судининг очиқ суд мажлиси қарори билан қилмишига яраша жазога тортилди. Қилмишқидирмиш, деганлари шу бўлса керак-да. Энди қирқдан ошган "алп"дек йигитнинг боши эгик, қилган ишидан пушаймон.

Яхши ният — ярим давлат, дейдилар. Инсон доимо яхшиликни кўзлаб, ҳалол меҳнат қилса, ризқи мўл бўлади. Аксинча, нафсини тиёлмаса, виждон ва имонга терс иш тутса, охири вой. Буни Бердиёр энди тўла англаб етган бўлса, ажабмас. Фарзандлари, қариндош-уруғларининг шаънини ўйлаб, "қаҳрамон"имизнинг исм-шарифини ўзгартирдик. Воқеа тафсилотини ёзишдан мақсад эса, бу айримларга сабоқ бўлсин. Қолаверса, гап эгасини топади-ку, ахир.

Хидир КАРИМОВ,
Қашқадарё вилояти прокуратураси коррупция ва иқтисодий жиноятларга қарши кураш бўлими бошлиғи,
Норбўта ҒОЗИЕВ, журналист

Глобал муаммо

БУГУНГИ КУНДА одам савдоси билан боғлиқ жиноятлар инсониятнинг глобал муаммолари қаторидан ўрин олди. Аянчли томони шундаки, бу жиноятни содир этувчиларнинг ҳам, бундан жабр кўраётганларнинг ҳам қайсидир маънода мақсадлари битта, яъни, енгил йўл билан мўмай даромад топиш. Жабрланганлар орасида аёллар ва вояга етмаганларнинг борлиги бундай жиноятга қарши кескин кураш олиб боришни тақозо этмоқда.

Дубайга кетган қизлар

қайтиб келишди. Бироқ...

БУХОРО шаҳрида шу йилнинг биринчи ярмида одам савдоси бўйича 5 та жиноят иши қўзғатилиб, тергов натижасига кўра, 3 таси айблов хулосаси билан судга юборилган.

Бухоро шаҳрида яшовчи фуқаро Манзура Шарипова, Дилдора Ҳамроевалар бир гуруҳ шахслар билан жиноий тил бириктириб, бир неча ёш қизларни алдаб, ишончига киришади ва уларга даромадли иш ваъда қилиб, Бирлашган Араб Амирликларининг Дубай шаҳрига олиб бориб, уларни уятли ишларга жалб қилган. Айбдорлар суд ҳукми билан жиноий жавобгарликка тортилди.

Бухоро шаҳрида яшовчи фуқаро Матлюба Нарзуллаева жиноий шериклари Муҳаббат Мамурова, Феруза Ҳайдарова тергов жараёнида шахсини аниқлаш имконияти бўлмаган Хитой давлатининг фуқароси Қурбон ва Ойқиз исмли шахслар билан жиноий тил бириктириб, Ўзбекистонлик қизларни Урумчи шаҳрига олиб бориб уларни фоҳишалик билан шуғулланишга мажбур қилишган. "Қўшма"чилар жабрланувчиларни кўп пул топишга мажбурлаб, улар топган маблағларни олиб қўйишган.

Бундай салбий ҳолатларга қарши курашиш мақсадида аҳоли орасида тарғибот ишларини олиб бормоқдамиз.

Жумладан, жорий йилнинг ўтган даврида тегишли идоралар ва ташкилотлар билан ҳамкорликда 13 марта меҳнат ярмаркаси ўтказилди. Унда 507 та корхона ва ташкилот иштирок этди. 876 киши иш билан таъминланди.

Шуни унутмаслик керакки, чет элда ишлашни хоҳловчилар энг аввало, аҳолини иш билан таъминлаш марказларига мурожаат қилишлари лозим. Негаки, марказда бўш иш ўринлари ҳақида ва хорижда ишлашнинг йўл-йўриқлари бўйича тавсиялар берилади.

Собир УМАРОВ,
Бухоро шаҳар прокурори

Адлия аралашгач

Ишончли ҳуқуқий кафолат

ҳамкорлик йўлида дадил қадам учун имконият эшикларини очмоқда

АНДИЖОН вилояти адлия бошқармаси томонидан тадбиркорларни ва хорижий инвестициялар ва хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарни ҳуқуқий ҳимоя қилишда қатор ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 2 майдаги "Тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни ҳуқуқий ҳимоя қилишни кучайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори ижроси бўйича вилоятдаги хорижий инвестициялар, хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарнинг муаммолари ва уларнинг фаолиятини назорат қилувчи органлар, маҳаллий ҳокимликлар томонидан ноқонуний аралашувларнинг олдини олиш мақсадида, корхоналарда мониторинг ўтказилиб келинмоқда. Аниқланган қонунбузилиш ҳолатлари юзасидан бундай ҳолатларга йўл қўйган идораларга тақдимномалар ва судларга даъво аризалари киритилмоқда.

ВИЛОЯТДА 47929 та макрофирма ва кичик корхоналар, якка тартибдаги тадбиркор, шу жумладан, 90 та хорижий инвестиция ва хорижий инвестиция иштирокидаги корхоналар фаолият кўрсатиб келмоқда. Уларнинг ялпи маҳсулот ишлаб чиқаришдаги ўрни ўтган йилга нисбатан вилоят бўйича 42,1 фоизга ошди. Жорий йилда 41 та хорижий инвестиция ва хорижий инвестиция иштирокидаги корхоналарда мониторинг ўтказилди.

Хорижий инвестицияни жалб этиш, улар иштирокидаги корхоналарни ҳуқуқий ҳимоя қилиш ва фаолият юритишлари учун шароит яратиб бериш ҳамда фаолиятини ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни олиб ташлаш, солиқ ва божхона имтиёзларини қўллаш, уларни ҳуқуқий ҳимоя қилишнинг мукаммал тизимини яратди. 2009 йилнинг биринчи ярмида бошқармада 5 та хорижий инвестициялар иштирокидаги корхона давлат рўйхатига олинди, 3 та хорижий инвестиция иштирокидаги корхоналарга берилган амалий ва ҳуқуқий ёрдамлар натижасида улар ўз фаолиятини йўлга қўйди. Шунингдек, хорижий инвестициялар ва хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарни ҳуқуқий ҳимоя қилиш бўлимига 56 та мурожаатлар келиб тушди. Мурожаатларни атрофлича ўрганиш ва хорижий ҳамда қўшма корхоналарда мониторинглар ўтказиш натижаларида, судларга 112 та даъво аризалари киритилиб, шундан 4 нафар мансабдор шахсдан қўшма корхоналарга етказилган моддий зарарни ундириш бўйича судларга даъво аризаси киритилиб, қўшма корхоналарнинг ҳуқуқий ҳимояси таъминланди.

Мурожаатларни ўрганиш жараёнида жами 116 та қонунбузилиш ҳолати аниқланиб, қонунбузилиш ҳолатлари бўйича, ҳокимликлар, тижорат банклари, назорат қилувчи идоралар ва бошқа ташкилотларга 18 та тақдимнома, 16 та огоҳнома, 3 та ёзма кўрсатма киритилди, улар бўйича 54 нафар мансабдор шахслар интизомий жазога тортилиб, шу жумладан 2 нафар мансабдор шахс ловозимидан озод этилди, 5 нафар мансабдор шахсга нисбатан маъмурий жавобгарликка тортиш тўғрисида баённомалар тузилиб, судларга юборилди. Киритилган тақдимномаларга асосан 5 та қарор ва бошқа ҳужжатларнинг ижроси тўхтатилиб, бекор қилинди ва ноқонуний ундирилган 137 715 сўм қайтарилди.

Ҳаммамизга маълумки, қўшма корхоналарнинг иқтисодиётимиз ривожида ўз салмоғи бор. Ана шундан келиб чиқиб, ҳукуматимиз томонидан қўшма корхоналар фаолиятини ривожлантириш учун кенг имкониятлар яратилмоқда. Уларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасида адлия бошқармаси томонидан муайян ишлар қилинмоқда. Жумладан, "Матриск Гранд" Ўзбекистон — Қирғизистон қўшма корхонаси анча йиллардан буён Андижон шаҳрида фаолият кўрсатиб келмоқда. Энг асосийси, бу қўшма корхона солиқларни ўз вақтида тўлаб, бошқа ташкилотларга намуна бўлиб келаётганди. Яқинда қўшма корхона раҳбарлари вилоят божхона бошқармаси ходимлари уларга нисбатан олиб кирган хомашёлари учун бож нормаларини нотўғри қўллаганликлари тўғрисида ариза билан мурожаат қилишди. Текширишда, Давлат божхона қўмитасининг **"Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб келинадиган товарларнинг божхона қийматини белгилаш бўйича"** Йўриқномасининг 2.1.-банди талаблари бузилганлиги аниқланди. Бож ставкаси нотўғри қўлланилаётганлиги аниқланиб, ушбу ҳолат юзасидан вилоят божхона бошқармасига қонунни тўғри қўллаш юзасидан ёзма кўрсатма киритилиб, мурожаат ижобий ҳал қилинди.

Яна бир мисол. Бошқармамизга вилоятимиз ҳудудида фаолият кўрсатаётган Ўзбекистон — Хитой "Водий Элегант сервис" қўшма корхонасидан шикоят хати тушди. Мурожаатда кўрсатилишича, вилоятдаги Сўфи қишлоқ, Шаҳрихон, Асака, Хўжаобод, Пойтуғ пахта тозалаш ҳиссадорлик жамиятлари қўшма корхонанинг 6 000 000 сўмлик ҳақини ва 8 500 000 сўмдан зиёд пения маблағи бермаётгани ёзилган. Текширишдан сўнг бошқарма томонидан вилоят хўжалик судига 5 та даъво аризаси киритилиб, қўшма корхонанинг қонуний манфаати ҳимоя қилинди.

Шунингдек, тадбиркорлик субъектларининг фаолияти учун янада қулай шарт-шароитлар яратишга, ҳисобот тизимини ва уни тақдим этиш тартибини халқаро амалиётга мувофиқ такомиллаштиришга, шунингдек, қўшимча ҳисоботни ноқонуний талаб қилиш ҳолатларига йўл қўймасликка ва иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарига солиқ ва муддатида қайтарилмаган кредитлар бўйича имтиёзлар бериш тўғрисида бир қанча қарор ва фармонлар қабул қилинган.

Давлат ўз зиммасига қонунга мувофиқ ишлаётган тадбиркорлар учун барча зарур шарт-шароитларни таъминлаш, уларга ҳар томонлама ёрдам кўрсатиш мажбуриятини олади.

Жалол АБДУСАТТОРОВ,
Андижон вилояти адлия бошқармаси бошлиғи

Адлия вазирлиги ва Бош прокуратура: Меморандум ижроси амалда — Хоразм вилояти

Назорат

Ислоҳотлар самараси

ХОРАЗМ вилояти прокурорининг ўринбосари Баҳодир УМАРОВ билан суҳбатлашганимизда, асосан мустақиллик йилларида суд-ҳуқуқ тизимидаги ўзгаришлар ҳақида сўз юритди.

— РЕСПУБЛИКАМИЗДА суд-ҳуқуқ тизими ислоҳ қилиниб, жиноят, жиноят-процессуал қонун ҳужжатлари босқичма-босқич либераллаштирилмоқда. Мустақиллик йилларида суд-ҳуқуқ тизимида қандай ўзгаришлар юз берди?

— Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал кодексларига ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди.



Мамлакатимиз мустақилликка эришган пайтда жиноят тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг 30 дан ортиқ моддаларида ўлим жазоси белгиланган эди. 2001 йилга келиб Жиноят кодексида бундай моддалар сони 4 та камайтирилди. 2003 йилда жиноят қонунчилигини либераллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилгандан сўнг фақат икки турдаги жиноят — жавобгарликни оғирлаштирадиган ҳолатларда қасддан одам ўлдириш ва терроризм жиноятларини содир этганлик учун ўлим жазоси назарда тутилган. Содир этилган жиноятнинг оғирлигидан қатъи назар, қонун ҳужжатларида вояга етмаганларга, хотин-қизларга ва 60 ёшдан ошган шахсларга нисбатан ушбу турдаги жазони қўллаш тақиқланган.

Президентимизнинг 2007 йил 1 августдаги Фармонига асосан 2008 йилнинг 1 январидан бошлаб мамлакатимизда жиноий жазо тури сифатида ўлим жазоси бекор қилинди ва унинг ўрнига умрбод ёки узоқ муддатга озодликдан маҳрум этиш жазоси жорий этилди. Бу эса Конституциямиздаги инсонпарварлик ва одиллик тамойилларини тўла ифода этади.

Шунингдек, **«Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқи судларга ўтказилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»**ги Қонуннинг қабул қилиниши инсон ҳуқуқлари ҳимояси таъминланишининг муҳим омилларидан бири ҳисобланади ва у суд-ҳуқуқ тизимини янада демократлаштиришга йўналтиради.

Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқининг судларга ўтказилиши Конституциянинг 19, 25-моддаларида, халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган нормаларида мустаҳкамланган қоидаларга мос бўлиб, жиноят ишида гумон қилинувчи, айбланувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилинган шахс ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳимояси самарали бўлишига эришишга қаратилган.

Жиноят-процессуал кодексининг 236-моддаси биринчи қисмига мувофиқ, эҳтиёт чоралари гумон қилинувчи, айбланувчининг суриштирув, дастлабки тергов ва суддан бўйин товлашининг олдини олиш, унинг жиноий фаолиятига барҳам бериш, иш бўйича ҳақиқатни аниқлашга тўсқинлик қилишга қаратилган уринишларга йўл қўймаслик, ҳукм ижросини таъминлаш мақсадида қўлланилади.

— Ярашув институти суд-ҳуқуқ тизимига татбиқ этилиши негизида асосан ўзбекона кечиримлилик ва бағрикенглик ётади ва бугунги кунда бу институт қандай самара бермоқда?

— Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан амалдаги қонунчиликка бир қатор меъёрлар киритилди. Жумладан, ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятни содир этиб, ўз айбига иқрор бўлган, жабрланувчи билан ярашган ва етказилган зарарни қоплаган шахсларни жазоламай туриб ҳам жазодан кўзланган мақсадга эришиш мумкин. Икки томон ярашганлиги муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод қилиш институти шаклланди. Бу эса фуқаролар ўртасида ўзаро тотувлик, адолатпарварлик ва инсонпарварлик тамойилларини мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.

Ярашув институти орқали жиноят содир этиб ўз қилмишидан пушаймон бўлган шахснинг жавобгарлик масаласини ижобий ҳал қилишга имконият яратилди. Жабр кўрган ва жиноят содир этган шахслар манфаатларини ҳимоя қилишга кенг йўл очиб берилди. Ярашув институти айбдорга содир этган қилмиши учун масъулиятни ҳис этишга ва пушаймон бўлишга имкон беради. Ўз навбатида жабрланувчига етказилган моддий зарарнинг ихтиёрий равишда ва қисқа вақт ичида қопланишини таъминлайди.

Ярашув институти жорий этилганидан буён вилоятда 2073 нафар шахс жиноий жавобгарликдан озод этилди. Жабрланувчиларга етказилган моддий зарарлар айбдорлар томонидан ихтиёрий равишда қопланди. Демак икки мингдан зиёд шахс "судланган" деган тамғадан озод бўлди ва минглаб инсонларнинг тинч ҳаёт тарзи сақлаб қолинди.

Масалан, Урганч шаҳрида туғилган Х.Матчонов акаси номида бўлган "Тико" русумли автомашинани бошқариб бораётиб, йўлни кесиб ўтаётган пиёда Н.Матназаровани уриб юборган. Натижада пиёда тан жароҳати олган.

Бундан ташқари, Гурлан туманида туғилган С.Собиров ўзининг номида бўлган "Нексия" русумли автомашинани "Урганч-Гурлан" йўлининг 8-километрида бошқариб бораётиб, тезликни ошириши натижасида машина ағдарилиб кетган. Натижада автомашина ичида бўлган йўловчи М.Ражабов оғир тан жароҳати олган.

Бу иккала ҳайдовчининг жиноят иши Урганч тумани суди томонидан кўриб чиқилиб, улар жабрланувчига етказган моддий зарарни қоплаганликлари, ўзаро ярашганликлари туфайли йўл-транспорт ҳодисаси сабабчиларининг жиноий ишлари тугатилди.

Суҳбатдош: Фарҳод МУҲАММАДИЕВ.

Суратларда:

1. Хоразм вилояти прокурорининг катта ёрдамчилари Кўчқорбек Раҳимов ва Райҳон Юсупова ҳамда бўлим прокурори Замира Маткаримовалар қонун ҳужжатлари либераллаштирилганлиги ҳақида суҳбатлашмоқдалар.

2. Гурлан тумани прокурори, Максим Алламуратов ва туман прокурори ёрдамчиси Арифбай Акманов қилиниши керак бўлган ишларни режалаштирмоқда.

Эҳтиёт бўлинг — фирибгар

Қимматга тушган соддалик

ёки одам савдоси қурбонига айланган йигитлар хусусида

ОДАМ САВДОСИ инсон, унинг шаъни, қадр-қиммати, осойишта турмуши ва келажагига таҳдид солаётган трансмиллий уюшган жиноят кўринишларидан бири бўлиб, ўзининг чегара танламаслиги билан барчада ташвиш уйғотади.

МАЗКУР жиноятнинг салбий оқибатлари инобатга олиниб, республикамизда унинг олдини олиш ва унга қарши курашни кучайтириш бўйича белгиланган тадбирлар амалга оширилмоқда. Хусусан, Гурлан туманида одамлар гавжум жойларга банерлар ўрнатилган бўлиб, уларда алданиб, қулликка тушиб қолмаслик бўйича чақириқлар баён этилган. Шунингдек, 1,7 мингта жойга одам савдосининг олдини олишга қаратилган плакатлар осилиб, 13,6 мингдан зиёд буклет тарқатилди.

Лекин шунга қарамасдан, баъзи соддадил фуқароларимиз нафс бандаларининг тузоғига илинмоқда. Ўтган йилнинг июнь ойи бошида Шовотлик Фахриддин Сапарбаев Туркманистондаги қариндошлари ҳолидан хабар олиб қайтаётганида йўл-йўлакай Гурландаги дўсти Нурулло Худойбергановнинг уйига ташриф буюради. Ҳол-аҳвол сўрагач, Фахриддин қўшни давлатдаги ишлари хусусида сўзлаб беради.

— Мана, икки йилдирки, Қозоғистоннинг Қизил Ўрда шаҳридаги "Гнек" фирмасида ишлаяпман. Топиш-тутишим яхши.

Эртасига улар йўлда Тўлибой Бозорбоевни учратиб қолишади. Фахриддин Қозоғистондаги қурилишда ишлаш учун икки нафар КамАЗ ҳайдовчиси кераклиги ва уларни топишда ёрдам беришни сўрайди. Тўлибой изланиб қўришни ваъда қилиб, хайрлашади. Кейин иккала дўст таниш уста Ражаб Сапаевникига боришади. Қўшни давлатда мактаб қурилишида ишлаш учун одамлар излаётганини ва ойига 600-650 минг сўм маош беришларини айтади. Фахриддиннинг ташлаган тўрига соддадил инсонлардан Ражаб Сапаев ва Юлдашбой Махмудовлар илинади.

— Дўстлар, — дейди Фахриддин янги танишларига, — Қозоғистонда яхши ҳақ тўланадиган иш бор. Ойига камида 600-650 минг сўм қўлингизга тегади. Йўл харажатлари, чегарадан ўтишдаги тўловлар ва озиқ-овқат менинг ҳисобимдан. Ўзингиз билан фақат паспортни олсангиз бўлгани.

Учаласи Тошкентга йўл олишади. "Отчопар" бозорида хусусий киракаш ҳайдовчи билан келишиб "1 Май" чегара пости орқали Чимкент вилояти ҳудудига ўтишади. Уркен исмли қозоқ йигити "меҳмон"ларни кутиб олади ва ўзининг автомашинасида Орал туманига олиб боради.

Гурланликлар ўн бир нафар ишчи бириктирилган Шуҳрат исмли иш бошқарувчи қўли остида меҳнат қила бошлайдилар. Бир ҳафтадан кейин Фахриддин фуқаролик паспортининг амал қилиш муддати тугаганлигини айтиб, уни алмаштириш учун Шовот туманига қайтиб келади.

Фахриддин Юлдашбай Маҳмудовнинг уйига келиб, унинг турмуш ўртоғига 100 минг сўм беради. Юлдашбайнинг ўғли бир неча йигитлар билан гаплашган бўлиб, улар Қозоғистонга "саёҳат"га кетишга тайёр туришганди.

Қозоғистондаги янги иш жойига етиб келган Бахтиёр Маҳмудов, Ислом Авезов, Зиёвуддин Эшхўжаев, Ойбек Мусаев, Умид Базарбаев ва Жўрабек Тўраевларнинг паспортларини олиб қўйишади. Эрта тонгдан кун ботгунча йигитлар мактаб қурилишида тинмай меҳнат қилишади. Ўтган йилнинг октябрь ойида Дийдор ва Жондўст исмли иш бошқарувчи қозоқ фуқаролари гурланлик йигитларни дўппослаб, ҳақорат қилишади. Шу пайт қаердандир Фахриддин пайдо бўлиб, гап нимадалигини суриштиради. Қозоқ йигитлари уни бошқа хонага киритиб, дуч келган жойига уришади. Фахриддиннинг қовурғалари синиб, даволаниш учун Жиззах вилоятига қайтади.

Жиноят ишлари бўйича Гурлан тумани суди Фахриддин Сапарбаевни Жиноят кодексининг 135-моддасининг 2-қисми бир қанча бандлари билан айбли деб топди. Судда Фахриддин ўз айбини тан олди ва гурланлик йигитларнинг маошларини тўлиқ олиб беришга ваъда қилди. Бошқа мақсадларда фойдаланиш учун алдаш йўли билан одамларни ёллагани учун Ф. Сапарбаев 5 йилу 6 ойга озодликдан маҳрум қилинди. Шунингдек, судланувчидан жабрланувчилар фойдасига жами 25,1 миллион сўмдан зиёд маблағ ундирилиши ҳақида ҳам суд ҳукми чиқарилди.

Максим АЛЛАМУРАТОВ, Гурлан тумани прокурори

Қилмиш қидирмиш

Сохта имзо

қонунбузарга ташвиш келтирди

УРГАНЧ тумани "Ўзқишлоқхўжаликмаш-холдинг" техник марказида бош ҳисобчи бўлиб ишлаётган Эркин Болтаев ўз фермер хўжалигини ташкил қилиб, деҳқончилик билан шуғулланишни режалаштирди.

ФЕРМЕР хўжалиги қандай ташкил қилиниши ҳақида таниш-билишларидан сўраб-суриштиради. Ўзининг шахсий ишлари билан тижорат банкига борганида Янгибозор тумани "Ширинқўнғирот" қишлоғида яшовчи Озодбой Отажонов исмли шахс фермер хўжалигини топширмоқчи бўлиб юрганини эшитади. О.Отажонов билан танишиб, фермер хўжалигини олмоқчи эканлигини айтади ва у билан келишиб олади. Лекин фермер хўжалиги шу туманда яшовчи фуқароларга берилишини эшитиб, илгаридан таниш бўлган Саноат Одамбоевга мурожаат қилади.

С.Одамбоев ўз номига фермер хўжалиги ташкил этишга рози бўлади. Эркин Болтаев барча ҳужжатларни ўзи тайёрлаб, фермер хўжалигини Озодбой Отажоновдан қабул қилиб олади. Кейин С.Одамбоев номига янги низом лойиҳаси тайёрлайди. Янгибозор тумани ҳокимининг 2003 йил 1 апрелдаги қарорига асосан "Ширинқўнғирот" қишлоғи ҳудудида "Азаматбек" фермер хўжалиги ташкил этилади.

Орадан бироз вақт ўтганидан кейин С.Одамбоев ундан фермер хўжалиги нима бўлди, ташкил қилдингми, деб сўрайди. Бўлмади, деб жавоб беради бош ҳисобчи. Э.Болтаев унинг номидан фермер хўжалигини бошқариб юради. Лекин фермер хўжалиги ер майдонлари яхши бўлмаганлиги сабабли биринчи қишлоқ хўжалик йилида фойда ололмайди. Фермер хўжалигида бирга ишлаётган акаси Иноят Болтаев эса 2004 йил баҳорда Россия Федерациясига ишлаш учун кетиб қолади.

Урганч тумани техник марказининг ҳисоб рақами РАТБ "Ғалла банк" Хоразм минтақавий бўлимида очилган бўлиб, бош ҳисобчи Эркин Болтаев иш юзасидан банкка боради. Фермер хўжаликларига трактор харид қилиш учун кредит ажратилаётганидан хабар топади. 2004 йил 23 февралда банкдан кредит олиш учун талабнома ёзади. Мазкур талабномага "Азаматбек" фермер хўжалиги раҳбари С.Одамбоев деб ёзиб, акаси Иноятнинг имзосига ўхшатиб ўзи имзо қўяди. Бошқа ҳужжатларни ҳам расмийлаштирганда шу тариқа йўл тутади.

Техник марказ раҳбари Р.Матёқубовдан мен фермер хўжалигимга трактор олмоқчиман, шунга техник марказни кафил қилиб турсак бўладими, деб сўрайди. Р.Матёқубов у билан бирга ишлаб юрганлиги сабабли рози бўлади. Шундан кейин кафиллик шартномаси тузилади ва барча ҳужжатлар банкка топширилади.

"Азаматбек" фермер хўжалиги номидан топширилган талабнома бўйича 2004 йил 4 мартда РАТБ "Ғалла банк" томонидан 13,1 миллион сўмлик кредит ажратилади ва Урганч тумани "Ўзқишлоқхўжаликмаш-холдинг" техник маркази ҳисоб-рақамига ўтказилади.

Эркин Болтаев Янгибозор туманидаги "Қўнғирот-Савдогари" фирмаси раҳбари Эгамберган деган шахс билан танишиб қолади. Эгамберган унга "МТЗ-80" трактори борлигини айтади ва техник ҳолати яхши бўлган тракторни кўрсатади. Урганч тумани "Ўзқишлоқхўжаликмаш-холдинг" техник маркази ҳисоб-рақамидаги 13,1 миллион сўмлик кредит маблағ "Қўнғирот-Савдогари" фирмасига ўтказилади. Тракторни олишга борган Э.Болтаевга фирма раҳбари Эгамберган техник ҳолати носоз бошқа тракторни кўрсатади. Бу тракторингизни олмайман, пулимни қайтариб, ўз ҳисоб-рақамимга ўтказиб беринг, дейди Э.Болтаев. Фирма раҳбари ҳозирча пули йўқлигини, унинг маблағини бошқа жойга ўтказганлигини ва бир-икки ҳафта кутса, пулини қайтариб беришини айтади. Э.Болтаев унинг гапига рози бўлмайди. Фирма раҳбари шу ўтказган пул миқдорида эҳтиёт қисм олишни таклиф қилади. Э.Болтаев ундан эҳтиёт қисмларни олиб, уларни сотиб юборади ва пулларни ўз эҳтиёжлари учун сарфлаб юборади.

Э.Болтабоев қилмишига яраша жазосини олди.

Улуғбек ҚУРЯЗОВ, Янгибозор тумани прокурори.

Жараён

БУГУН Хоразм вилоятида ҳам иқтисодиётни модернизация қилиш ва эркинлаштириш, мулкчиликнинг хусусий секторини мустаҳкамлаш, қулай инвестиция муҳитини шакллантириш ҳамда аҳоли турмуш даражасини оширишга асосий эътибор қаратилмоқда.

Янги иш ўринлари

аҳоли фаровонлигига хизмат қилади

АҲОЛИНИНГ иш билан бандлиги даражасини ошириш энг муҳим ва устувор вазифалардан биридир. Вилоят ҳокимлиги ва прокуратура органлари ташаббуслари билан кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш, хизмат кўрсатиш соҳаларини ва касаначиликни ривожлантириш орқали аҳолини, биринчи навбатда қишлоқ ёшларини иш билан таъминлаш мақсадида 34824 та янги иш ўринлари яратилди ва ярим йиллик дастур кўрсаткичи 107,2 фоизга бажарилди. Жумладан, янги иш жойлари яратиш йўналишлари ва тармоқлари бўйича йирик объектларни ишга тушириш, қайта қуриш ва кенгайтириш ҳисобига 4779 та, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ҳисобига 11379 та, уй меҳнатини барча шаклларини ташкил қилиш ҳисобига 5888 та иш ўринлари очилди.

"2009-2010 йилларда Хоразм вилоятига инвестициялар жалб этиш орқали ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва қўшимча ишчи ўринларини яратиш Дастури"га асосан 24 та лойиҳа тўлиқ амалга оширилди. 2009 йил 1 июль ҳолатига кўра амалга оширилган ва оширилаётган лойиҳалар бўйича жами 1 миллион АҚШ доллари миқдорида тўғридан-тўғри инвестициялар, 4,8 миллиард сўм миқдорида ўз маблағлари ва 5,6 миллиард сўм миқдорида маҳаллий кредитлар ўзлаштирилди ҳамда 376 та янги иш ўринлари яратилди.

Маҳаллий ҳокимият, прокуратура органлари ва бандликка кўмаклашиш марказлари томонидан шаҳар ва туманларда бўш иш ўринлари ярмаркалари ташкил этилмоқда. Асосан касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини ишга жойлаштириш бўйича ўтказилаётган тадбирларда ёшлар ўзларига мос иш билан таъминланмоқда. Улар бухгалтер-ҳисобчи, компьютер оператори, тикувчи, сартарош, сотувчи каби касблар бўйича ишга жойлаштирилмоқда.

Вилоятда 53,8 гектар майдонда 57 та иссиқхона ташкил қилиш режалаштирилган. Ҳозирги кунга қадар 16,3 гектар майдонда 24 та иссиқхоналар ишга туширилди. Шунингдек, 4 та сутни ва 2 та гўштни қайта ишлаш корхоналари ташкил этилди.

34 та чакана савдо шохобчаси, 10 та умумий овқатланиш шохобчалари, 16 та кийим тикиш, 18 та сартарошхона, 21 та пойафзал таъмирлаш устахонаси, 11 та суратхона ва 37 та бошқа хизмат кўрсатиш шохобчалари ташкил этилди. Натижада, хизмат кўрсатиш соҳасида жами 9255 та янги иш ўринлари яратилди.

Қишлоқда саноат ишлаб чиқаришини янада жадал ривожлантириш, мева-сабзавот ва чорвачилик маҳсулотларини қайта ишлаш бўйича замонавий техника ва технологиялар билан жиҳозланган ихчам корхоналар ташкил этиш, хизматлар кўрсатиш ва сервис соҳасини сифат жиҳатидан янги даражага кўтариш, шу асосда қишлоқ аҳолисини, энг аввало, ёшларни ишга жойлаштиришни таъминлаш, аҳоли даромадлари ва фаровонлигини ошириш ишларига 13 миллиард 773 миллион сўм миқдорида маблағ сарфланди.

Райҳон ЮСУПОВА, Хоразм вилояти прокурорининг катта ёрдамчиси

ХОРАЗМ ВИЛОЯТИДАГИ "ЖАНУБГАЗ-ҚУРИЛИШ" ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ

Адлия ёрдам берди

Шартноманинг қонунийлиги

иқтисодиётимиз ривожига хизмат қилади

МИЛЛИЙ анъаналаримиз ва шарқ тафаккури таъсирида ҳалқимиз қон-қонига сингиб кетган лафзи ҳалоллик, мажбуриятга маъсулият каби меъёрлар мустақиллигимиз даврида қабул қилинган қонун меъёрларида ўз қадрини янги бир кўринишда тиклади.

Бирон-бир тадбиркорлик субъекти шартнома тузмасдан туриб, тижорат билан боғлиқ бўлган тадбирларни, келажакдаги тадбиркорлик режаларини, олди-сотди ёки бошқа битимларини амалга оширишини тасаввур қилиб бўлмайди.

Шартномада томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, уларнинг жавобгарлиги, етказиб бериладиган маҳсулотларнинг нархи, муддатлари, ҳисоб-китоб қилиш тартиблари ва бошқа ҳолатлар назарда тутилган бўлади.

Умуман олганда, шартнома бу фақат ўзининг ҳисоб рақамига пул маблағларини кирим қилиб олиш учун тузилган ҳужжат эмас, балки томонларнинг ўзаро келишуви, иккала томоннинг саъй-ҳаракатлари натижасида фойда кўриш учун бўлган розилигини ифода этувчи ҳужжатдир.

Хўжалик шартномаларини тузишда ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш ва ўз ваколати доирасида улар бажарилишини назорат қилиш Адлия вазирлигига юклатилганлигидан келиб чиққан ҳолда, Наманган вилояти адлия бошқармаси ходимлари ҳуқуқий ёрдам тариқасида хўжалик юритувчи субъектлар ўртасида, шу жумладан қишлоқ хўжалик корхоналари ҳамда фермер хўжаликлари билан контрактация шартномаларини тузиш жараёнларида бевосита иштирок этиб келмоқда.

Наманган вилояти адлия бошқармаси ходимлари томонидан 2009 йил ҳосили учун қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш бўйича 20 дан ортиқ турдаги 39 минг 840 та шартнома тузилишида тарафларга зарур ҳуқуқий ёрдам кўрсатилди.

Жумладан, бошоқли дон етказиб бериш бўйича 3 минг 407 та, пахта хомашёси етказиб бериш бўйича 3 минг 18 та, пилла хомашёси етказиб бериш бўйича 3 минг 502 та, механизация хизматларини кўрсатиш бўйича 5 минг 226 та, ёқилғи маҳсулотлари етказиб бериш бўйича 3 минг 205 та ва минерал ўғитлар етказиб бериш бўйича 3 минг 208 та контрактация шартномаларини тузиш жараёнида бевосита иштирок этиб, тарафларга ҳуқуқий ёрдам кўрсатиб келинмоқда.



Шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 4 сентябрдаги 383-сонли қарори билан тасдиқланган **"Қишлоқ хўжалиги маҳсулоти етиштирувчилар билан тайёрлов ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари ўртасида шартномалар тузиш, уларни рўйхатдан ўтказиш, бажариш, шунингдек уларнинг бажарилиши мониторингини олиб бориш тартиби тўғрисида"**ги Низом талабларидан келиб чиқиб, адлия бошқармаси томонидан хўжалик юритувчи субъектларда амалий ёрдам бериш йўли билан шартномаларнинг тузилиши ва бажарилиши доимий равишда ўрганиб чиқилиб, аниқланган қонунбузилиш ҳолатларини бартараф этиш юзасидан тегишли таъсир чоралари кўрилмоқда.

Хусусан, Наманган вилояти адлия бошқармаси томонидан 2009 йилнинг I ярим йиллиги давомида хўжалик юритувчи субъектларда ўтказилган ўрганишлар жараёнида аниқланган қонунбузилиш ҳолатларини бартараф қилиш юзасидан жами 89 та тақдимнома ва 96 та огоҳнома киритилди. Кўрилган таъсир чораларига асосан 60 нафар мансабдор шахслар интизомий жавобгарликка тортилди, шундан 8 нафари эгаллаб турган лавозимидан озод этилди.

Шу билан бирга, судларга жами 388,1 миллион сўмлик 229 та даъво аризалари киритилди. Шундан, фермер хўжаликларининг манфаатини кўзлаб 303,3 миллион сўмлик 147 та даъво аризалари киритилди.

Наманган вилояти адлия бошқармаси томонидан 2009 йилнинг I ярим йиллиги давомида шартномавий муносабатларни тартибга солишга оид қонун ҳужжатларини кенг оммага етказиш мақсадида телевидениеда 2 маротаба, радиода 3 маротаба, гезеталарда 4 маротаба чиқишлар қилинди. Шунингдек, 29 маротаба маъруза, 23 маротаба давра суҳбатлари ҳамда 40 маротаба семинарлар ўтказилди.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, шартномавий мажбуриятларнинг лозим даражада бажарилиши учун уларни тузиш жараёнида лоқайдликка йўл қўймаслик керак, акс ҳолда йўл қўйилган хато ва камчиликлар шартномаларнинг белгиланган тартибда ижро қилинишига салбий таъсир кўрсатиши табиийдир. Шуларни инобатга олиб, Адлия вазирлиги билан ҳамкорликда вилоят адлия бошқармаси томонидан бу борада доимий равишда зарур ташкилий чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Жамшид НУРИДДИНОВ,
Наманган вилояти адлия бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари

Ишончнома

ҲАЁТНИНГ пасту баландини, оғир-енгилини кўрган, бошқача айтганда, қарилик деб аталмиш муборак давронга етган отага ўғлининг хурмача қилиғи ўтиб кетди. Шунчалик ҳам бўладими, ўзининг пушти камаридан бўлган, кўзимнинг гавҳари дегани, кўзига чўп суқса. Ахир, ҳурмат-иззат юзасидан бир оғиз "ота, машинани сотаяпман", деса йўқ дермиди.

От минганники, тўн кийганникими?!

ёхуд ишончнома бериб ўз мулкига ўзи эгалик қилолмай юрганлар хусусида

— НОТАРИУСЛАРГА ҳам ҳайронсан. Мулкнинг ҳақиқий эгасидан сўрамай-нетмай, олди-сотди қилавераркан-да. Ё от минганники, тўн кийганникими? Ҳозиргилар узумини еб, боғини ҳам, боғбонини ҳам сўрамайдилар! — дея нотариал идорага арз-дод билан келган мўйсафиднинг гапини эшитиб, отахоннинг кўнглига қаттиқ ботмаслик учун автотранспорт воситаларига бериладиган ишончномалар хусусида тушунтира бошладим.

— Ҳақиқатан фарзандингиз нотўғри иш қилибди. Нима бўлганда ҳам сизнинг олдингиздан ўтиши керак эди. Лекин нотариал идорадан ўпкалашингизга ўрин йўқ. Чунки ишончномани ўзингиз сотиш ҳуқуқи билан бергансиз. Шартноманинг бир неча тури бор. Масалан, ишончнома автомобилни бошқариш учун маълум муддатга берилади. Ёки сотиш ҳуқуқи билан берилиши ҳам мумкин...

Ўз хатосини англаб етган мўйсафид, нотариал идора шаънига нотўғри таъна қилганини тушуниб, кечирим сўраб, чиқиб кетди...

Шу ўринда ўйлаб қоласан киши. Майли, қарияларни-ку тушунса бўлади. Кексаликларини ҳисобга олиб, уларга амалдаги қонун-қоидалар ҳақида тушунча бериш керак. Бироқ, баъзан олий маълумотли, ўқимишли фуқаролар ҳам келиб, қонунни билмасдан айбини нотариал идора вакилларига тўнкашга ҳаракат қилишади.

Айниқса, бу ҳол кўпинча автомашина олди-сотдисида кўзга ташланади. Қонун талаби бўйича машина олди-сотдиси вақтида унинг ҳақиқий эгаси ва турмуш ўртоғининг розилиги ва ихтиёрига қараб, белгиланган муддатга ва танланган тури бўйича ишонч қоғози берилади.

Айрим фуқаролар билиб-билмай ёки бепарволик оқибатида ишончнома муддатига эътибор бермайди. Ишончнома йўли билан машинани ижарага олган ёки маълум қисм пулини бериб, харид қилган фуқаро машинани бошқариши, ундан фойдаланиши мумкин.

Яна бир гап. Бу ҳаётда бор нарса ва уни инкор этиб бўлмайди. Баъзи фуқаролар машина харид қилиб, уни узоқроқ қариндоши ёки бирор танишининг номига расмийлаштириб, ишончнома орқали ўз шахсий транспортини бошқаради. Айрим ҳолларда фақат бошқариш учун ишочнома берган фуқаро, яъни машинанинг сохта эгаси бировнинг мулкини ўзининг шахсий мулки сифатида сотиб юборади. Чунки у қонуний мулк эгаси. Унга ҳеч ким эътироз билдира олмайди. Бундай ҳолларда ҳам ҳақиқий мулк эгаси ҳақлигини исботлаш учун овора-ю сарсон бўлади.

Шунинг учун ҳам фуқаролар турмушимиз осойишталигини белгиловчи омил — қонун-қоидаларни пухта ўрганишлари шарт. Қонунни билган одам ҳеч қачон қоқилмайди. Чунки у қилаётган ҳар бир хатти-ҳаракатини етти ўлчаб, унинг қонунийлигига тўлиқ ишонгачгина бир ишга қўл уради.

Эгамберди КАРИМОВ,
Нуробод тумани давлат нотариал идораси нотариуси

TURON BANK

Республика акциядорлик-тижорат

«ТУРОНБАНК»

жамоаси

Ўзбекистон халқини энг улуғ ва энг азиз байрам — юртимиз Истиқлолининг 18 йиллиги ҳамда пойтахтимиз Тошкент шаҳрининг 2200 йиллиги билан қизғин муборакбод этади.

Байрам муносабати билан АТ «Туронбанк» юртдошларимизга йиллик 24% устама тўлаш шарти билан ўзининг «Тошкент-2200» омонат турини таклиф этади. Омонат суммаси чекланмаган, муддати – 1 йил, фоиз тўлови ҳар ойда ёки муддат тугагандан сўнг берилади.

Омонатингиз Ўзбекистон Республикаси Фуқароларининг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан кафолатланади.

Солиқ ва биз

ЎЗБЕКИСТОН Республикаси Солиқ кодексининг 4-боби солиқ муносабатлари субъектларининг ҳуқуқ ва мажбуриятларига бағишланган. Ушбу кодекснинг 31-моддасида солиқ тўловчиларнинг ҳуқуқлари қайд этилган.

Чап бермай чанги чиқди

ҲАР БИР юридик ва жисмоний шахс давлат солиқ органлари ва бошқа ваколатли органлардан амалдаги солиқлар, бошқа мажбурий тўловлар, солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларидаги ўзгаришлар ҳақида ахборотлар олиш ҳуқуқига эга.

Солиқ тўловчилар ва инспекция ходимлари солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар, пеня ва жарималарнинг ортиқча тўланган ёки ундирилган суммаларини ҳисобга ўтказиш ва қайтариб олиш, шунингдек, солиқ солиш объектини ҳисобга олиш, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ҳисоблаб чиқариш ҳамда тўлашда ўзлари йўл қўйган хатоларни мустақил равишда тузатишлари мумкинлигини эсдан чиқармасликлари лозим.

Солиқ текшируви ўтказилаётган вақтда Давлат солиқ хизмати органларига солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ҳисоблаб чиқариш, тўлаш билан боғлиқ ҳужжатлар ҳамда маълумотларни тақдим этиш; ваколатли органларнинг ҳамда уларнинг мансабдор шахсларининг қонуний талабларини бажариш, шунингдек, мазкур органларнинг қонуний фаолиятига тўсқинлик қилмаслиги шарт.

Бухоро вилоятида 30 мингга яқин юридик шахс ва салкам 9 минг нафар жисмоний шахс тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланади. Савол туғилиши табиий: солиқ тўловчилар ўз ҳақ-ҳуқуқлари ва мажбуриятларини қай даражада биладилар? Афсуски, баъзи солиқ тўловчиларимиз ҳуқуқларини яхшигина ўзлаштириб олганлари ҳолда, мажбуриятларини билиб, билмасликка оладилар.

Бухоро туманида хусусий тадбиркор сифатида фаолият юритаётган Ориф Чориев илгари ҳам ўз қилмишлари туфайли бошига балоларни ёғдирган эди.

Бухоро туманидаги «Равнақ Имкон Плюс» масъулияти чекланган жамиятни ўғли Ойбек номига расмийлаштириб, корхона фаолиятини ўз назоратига олиб, республикада ваколат берилган банклар ҳисобига ўтказилиши зарур бўлган чет эл валютасини қасддан яшириш, кўп миқдордаги солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан қасддан бўйин товлаш, товарлар савдоси ва хизмат кўрсатиш қоидаларини бузиш, муайян ҳуқуқ берадиган расмий ҳужжатларни такроран сохталаштириш жиноятларини содир этган.

«Уддабурон» тадбиркор қонунга амал қилмай, маҳсулотлар сотувидан тушган 84 миллион 838 минг 600 сўм, 2009 йилнинг ўтган даврида 1 миллиард 615 миллион 630 минг 700 сўм, жами 1 миллиард 700 миллион 469 минг 300 сўм накд пулни НКМдан ўтказмасдан ва уларни банк муассасасига топширмасдан савдо ва хизмат кўрсатиш қоидаларини кўп бора бузган.

Бундан ташқари, 2008 йилда маҳсулотлар сотувидан 154 миллион 534 минг 200 сўм тушган бўлса-да, шаҳар Давлат солиқ инспекциясига топширилган ҳисоботларда солиққа тортиладиган базани 38 миллион 633 минг 600 сўмга камайтириб кўрсатиб, 3 миллион 597 минг 500 сўм ягона солиқ тўловини тўлашдан бўйин товлаган. Бу ҳам етмагандек, маҳсулотларни улгуржи сотишдан тушган 1 миллиард 401 минг 619 минг 600 сўмни 20 миллион 707 минг 300 сўмга қасддан камайтириб кўрсатиб, 1 миллион 35 минг 400 сўм ягона солиқ тўловини тўламаган.

«Равнақ Имкон плюс» МЧЖнинг равнақига шу тариқа тўғаноқ бўлган бу фуқаро қонун олдида жавоб берди.

Аҳмад ЁДГОРОВ,
Бухоро вилояти Давлат солиқ бошқармаси бўлим бошлиғи,
Дилором ҲАЛИМОВА,
вилоят ДСБ бошлиғининг матбуот котиби

Шунақасиям бўлади

Ҳадеб ёзаверсалар

одамнинг тинкасини қуритадилар...

ҚУМҚЎРҒОНЛИК Иброҳим Абдимуродов 1995 йили фермер хўжалиги ташкил этган эди. Ўтган йиллар мобайнида "Иброҳим" фермер хўжалиги молиявий жиҳатдан мустаҳкамланди. Чунки, пахта, ғалла етиштириш бўйича тузилган шартномалар мунтазам равишда ортиғи билан бажарилади. Шунинг учун ҳам фермер икки марта ҳукуматимиз мукофоти билан тақдирланган.

ҲОЗИР Иброҳим бобо етмиш олти ёшнинг устида, аммо "Нексия"ни ўзи ҳайдайди.

Иброҳим бобо билан гурунг солсангиз, Сизнинг ҳам фермер бўлгингиз келиб қолади. Чунки:

— Бошқа мамлакатларнинг фермерлари бизга ҳавас қилсин, — дейди Иброҳим бобо.

— Нега?

— Қаранг, етиштирган маҳсулотимиз учун харидор тайёр. Йилнинг бошидаёқ шартнома тузиб қўямиз. Илгарилари бўлғуси ҳосил учун харидордан бўнак олар эдик. Кейин у шартномадаги ҳосил билан қоплана-ди. Менинг маблағимга шунча ҳосил етиштириб, ундан мана бунча фойда олдинг, деб бўнак пулини қоплаш чоғида уни ҳатто бир фоизга ҳам кўпайтирмайди. Ахир, фермер учун бундан ҳам катта имконият борми? Бир-икки йилдан бери банкдан 2-5-3 фоизли кредит олаяпмиз. Дунёнинг энг илғор мамлакатида ҳам бундай арзон кредитни тополмайсиз.

— Ёш ҳам саксоннинг қорасини олипти, фермерлик чарчатмаяптими?

— Биласизми, ишлаган одам чарчамайди. Аммо, бошқа бир иш менинг тинкамни қуритди.

— Айтинг, нима гап?

— Кейинги йилларда менинг устимдан фермер сифатида турли-туман, катта-кичик идораларга юзлаб шикоятлар ёзилди. Шунинг учун текширишдан бошим чиқмайди. Бирови кетса, эртасига бошқа бирови келади. Ҳаммасига шикоятнинг нотўғрилигини исботлаш керак.

— Улар кимлар ва нима деб ёзишади?

— Ҳеч бири ҳам фермер хўжалигининг аъзоси эмас. "Иброҳим бобо" фермер хўжалигининг ортиқча ери бор дейишади.

— Ўлчашмадими?

— Армонсиз ўлчашди. Шикоятчилар ҳам бу ўлчовларнинг бошида туради. Ер тўғри чиқади. Эртасига яна ёзишади. Яна текширувчи келади.

— Уларни судга бермадингизми?

— Улардан уч миллион сўм моддий ва олти миллион сўм маънавий зарар ундириш тўғрисида фуқаролик ишлари бўйича Қумқўрғон туманлараро судига даъво ариза бердим. Ишни Исломова Сора деган судья кўрди. 320 минг сўм моддий ва 1 миллион сўм маънавий зарар ундириш тўғрисида ҳал қилув қарори чиқди.

— Яхши-ку!

— Вилоят апелляция суди бу моддий ва маънавий зарарни бир юз тўқсон минг бир юз йигирма сўмга туширди. Бу иш шу йил 5 февраль куни Республика Олий судида кўрилди.

— Бир юз тўқсон минг сўм моддий ва маънавий зарарни ундирдингизми?

— Ундирдим... Аммо...

— Нима, кам дейсизми?

— Йўқ, шикоятчилардан ундирилган зарар билан менинг йиртиғим ямалиб қолмайди. Аммо, улар шундан кейин ҳам шикоят ёзишдан тўхтамаяпти. Текширишлар тинкамни қуритди. Нотўғри шикоят ёзганлар учун жазо йўқми?

— Улар сиздан нима истайдилар, мақсад нима?

— Тиндирмасдан ёзаверсак, Иброҳим бобони бир кун бўлмаса бир кун йиқитамиз, дейди.

— Нима, Сиз қуламоқчимисиз?

— Йўқ.

Тожиддин РАЗЗОҚОВ,
"Инсон ва қонун" мухбири

ЭЪЛОН!

Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги Нукус шаҳар 2-сонли ва Тахтакўпир тумани давлат нотариал идораларининг давлат нотариуси лавозимига;
Бухоро вилояти адлия бошқармаси Бухоро шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус лавозимига ҳамда Қоровулбозор ва Вобкент туманлари давлат нотариал идораси давлат нотариуси лавозимига;
Наманган вилояти адлия бошқармаси Тўрақўрғон тумани давлат нотариал идораси давлат нотариуси лавозимига

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ!

Танловда нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияга эга бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари иштирок этишлари мумкин.

Танловда қатнашиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши лозим:

1. Комиссия номига ариза;
2. Паспорт нусхаси;
3. Белгиланган шаклда тўлдирилган шахсий варақа;
4. Меҳнат дафтарчасининг нотариал тасдиқланган нусхаси;
5. Нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиянинг нотариал тасдиқланган нусхаси;
6. Охирги иш жойидан берилган меҳнат фаолияти тўғрисидаги тавсифнома;
7. Нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияга эга бўлиб, лекин уч йил мобайнида нотариус лавозимида иш бошламаган талабгор малака имтиҳонини қайта топширганлиги ҳақида малака комиссиясининг қароридан кўчирма.
Талабгор ўзининг касбий тайёргарлигини таърифловчи бошқа ҳужжатларни ёхуд уларнинг нотариал тасдиқланган нусхасини тақдим этиши мумкин.

Танловда қатнашишни хоҳловчи фуқаролар эълон чиққан кундан бошлаб, бир ой давомида тегишли адлия бошқармаларига мурожаат этишлари лозим.

Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги манзили:
Нукус шаҳар, Тўрткўл Гузар кўчаси. Телефонлар: (8-361) 223-15-82, 223-81-27.
Бухоро вилояти адлия бошқармаси манзили: Бухоро шаҳар,
И. Мўминов кўчаси, 28-уй. Телефонлар: (8-365) 223-21-20, 223-53-65.
Наманган вилояти адлия бошқармаси манзили: Наманган шаҳри,
Лутфий кўчаси, 6-уй. Телефонлар: (8-369) 226-36-62, 226-26-73.

Фарғона вилояти адлия бошқармаси қошидаги нотариат бўйича малака комиссиясининг 2009 йил 12 августдаги қарорига асосан Фарғона шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Беҳзод Сўпиевга 2002 йил 5 мартда берилган FE 000087 рақамли лицензиянинг амал қилиши «Ўзбекистон Республикаси фуқароларига нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензия бериш тартиби тўғрисида»ги Низомнинг 45-бандига кўра номуайян муддатга тўхтатилди.

Самарқанд вилояти адлия бошқармасининг 2009 йил 21 август кунги қарори ва бошқарма бошлиғининг 2009 йил 21 август кунги №50-ум сонли буйруғига асосан Пайариқ туманидаги "Юлдуз" адвокатлик фирмасининг адвокати Муҳамадиев Акбар 2009 йилнинг 14 июль куни вафот этганлиги муносабати билан унинг номига Самарқанд вилояти адлия бошқармаси томонидан 2009 йилнинг 9 июнь куни берилган SA 000200-рақамли адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензия бекор қилинди.

Мурожаат учун манзил: Самарқанд шаҳри, Бобир Мирзо кўчаси 12-уй. Маълумот учун телефонлар: (8-366) 233-71-57, 233-13-59

Сирдарё вилояти адлия бошқармаси ҳузуридаги нотариат бўйича малака комиссиясининг 2009 йил 30 августдаги 08-сонли йиғилиш қарори билан Сирдарё тумани 2-сонли давлат нотариал идорасининг собиқ нотариуси **Пирматов Абдували Қаҳҳоровичга** 1997 йил 20 июнь куни берилган SI 000007 рақамли нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиясининг амал қилиши тугатилди.

Ҳурматли юртдошлар!

«Асака» банки (ОАЖ) қуйидаги янги муддатли омонат турларини таклиф этади.

Миллий валютадаги омонатлар

1. «ЗИЁЛИ»
(болалар учун омонат)
Сақланиш муддати — 6 ой, омонат бўйича йиллик 34%-гача ҳисобланади. Ҳисобланган фоизлар ўқиш тўловлари учун йўналтирилади (институт, университет).

2. «ТОШКЕНТ — 2200»
Сақланиш муддати — 1 йил, омонат бўйича йиллик 29% ҳисобланади.

3. «ИШОНЧЛИ»
Сақланиш муддати — 6 ой, омонат бўйича йиллик 27% ҳисобланади. Ҳисобланган фоизлар омонат очилган куни берилади.

4. «СТУДЕНТЛАР УЧУН»
Сақланиш муддати — 4 йилгача, омонат бўйича йиллик 38%-гача ҳисобланади. Ҳисобланган фоизлар ўқиш тўловлари учун йўналтирилади (институт, университет).

Хорижий валютадаги омонатлар

1. «УНИВЕРСАЛ»
АҚШ долларида.
Сақланиш муддати — 6 ой, омонат бўйича йиллик 10 % ҳисобланади. Ҳисобланган фоизлар омонат очилган куни берилади.

Ушбу омонат турларини банкнинг барча филиалларида очиш мумкин. Мурожаат учун «Асака» банк (ОАЖ) филиаллари телефонлари: 120-39-81, 120-39-60, 120-39-63.

«Асака» банки (ОАЖ) сармоянгиз сақланиши ва кўпайишини кафолатлайди. Барча омонатларингиз Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан кафолатланади.

	Филиаллар	*коди рақами*	*телефон*
1.	*Тошкент шаҳар филиали*	*371*	*120-83-13*
2.	*Автотранспорт филиали*	*371*	*120-39-95*
3.	*Шайхонтоҳур филиали*	*371*	*140-39-36*
4.	*Юнусобод филиали*	*371*	*225-16-46*
5.	*Сирғали филиали*	*371*	*258-67-49*
6.	*Тошкент вилояти филиали*	*371*	*120-84-13*
7.	*Андижон вилояти филиали*	*374*	*224-40-96*
8.	*Асака филиали*	*374*	*233-13-69*
9.	*Фарҳод филиали*	*374*	*229-97-53*
10.	*Фарғона вилояти филиали*	*373*	*224-70-83*
11.	*Марғилон филиали*	*373*	*237-12-37*
12.	*Олтариқ филиали*	*373*	*432-10-11*
13.	*Қўқон филиали*	*373*	*552-61-04*
14.	*Наманган вилояти филиали*	*369*	*226-94-75*
15.	*Навоий вилояти филиали*	*436*	*223-54-32*
16.	*Зарафшон филиали*	*436*	*573-18-78*
17.	*Бухоро вилояти филиали*	*365*	*223-71-94*
18.	*Бухоро шаҳар филиали*	*365*	*770-11-27*
19.	*Самарқанд вилояти филиали*	*366*	*231-08-86*
20.	*Афросиёб филиали*	*366*	*234-17-96*
21.	*Қашқадарё вилояти филиали*	*375*	*221-12-93*
22.	*Сурхондарё вилояти филиали*	*376*	*770-82-12*
23.	*Қорақалпоғистон филиали*	*361*	*223-72-47*
24.	*Хоразм вилояти филиали*	*362*	*226-97-78*
25.	*Сирдарё вилояти филиали*	*367*	*225-44-03*
26.	*Жиззах вилояти филиали*	*372*	*226-43-11*

Сизнинг омонатларингиз:
- солиқлар ва мажбурий тўловлардан озод! - маълумотлари сир сақланиши тўлиқ кафолатланади! - эгалик ва тасарруф ҳуқуқи ўз ихтиёрингизда! - миқдори чекланмаган!

Хизматлар лицензияланган.

Фаолият

Хизмат қилсангу ҳаққингни бермасалар...

ИСТИҚЛОЛ йилларида мамлакатимизда ердан оқилона фойдаланиш, унинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва муҳофаза қилишнинг ҳуқуқий асослари яратилди. Мамлакатимизда ерга эгалик қилиш ҳиссини шакллантиришга қаратилган ислоҳотлар самараси ўлароқ, мулкка муносабат ўзгарди. Қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилиш, фермер хўжаликларини ривожлантириш, ишлаб чиқариш ва бозор инфратузилмасини барпо этиш борасида амалга оширилган чора-тадбирлар қишлоқда ҳақиқий мулкдорлар синфини шакллантириш, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ҳамда қишлоқ аҳолисининг даромадларини кўпайтириш имконини берди. Шу боис қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ҳосилдорлиги йил сайин кўпаймоқда.

РЕСПУБЛИКАМИЗДА ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар ва кўрсатилаётган хизматлар сифатига катта аҳамият берилмоқда. Тадбиркорларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг ҳуқуқларини қонун асосида ҳимоя қилиш, улар фаолиятидаги турли тўсиқларни олиб ташлашга қаратилган қонун ва қонуности ҳужжатлари ҳам фикримиз тасдиғидир.

Бу борада вилоят хўжалик судлари томонидан ҳам тадбиркорларнинг бузилган ҳуқуқларини суд амалиётида қонуний ҳимоя қилиш юзасидан бир қатор ишлар амалга ошириб келинмоқда.

Масалан, Косон тумани «Файзулла Изомов» кўп тармоқли хусусий савдо корхонаси бошлиғи, вилоят хўжалик судига даъво аризаси билан мурожаат қилиб, кўрсатилган хизмат ҳақини ундириб беришни сўраган.

«Файзулла Изомов» кўп тармоқли хусусий савдо корхонаси бошлиғининг даъво аризаси вилоят хўжалик суди томонидан кўриб чиқилиб, «Косон пахта тозалаш» ОАЖдан кўрсатилган хизматлар ҳақи ундириб берилиши таъминланди.

Маълумки, тадбиркорликни ривожлантирмасдан туриб, бозор муносабатларини юзага келтириш мумкин эмас. Кичик корхоналар равнақ топса, бозорларни маҳсулот ва хизмат турлари билан бойитади. Тадбиркорлик салмоғи эса, унинг ҳуқуқ ва манфаатлари нечоғли мустаҳкам ҳимоя этилганлигига, рақобат муҳитининг қай даражада шаклланганлигига боғлиқ бўлади.

Қарши шаҳридаги «Набиев Иброҳим бобо» хусусий ишлаб чиқариш корхонаси, вилоят хўжалик судига даъво аризаси билан мурожаат этиб, «Жанубгазтаъминот» унитар корхонаси Қарши шаҳар филиалидан етказилган зарар ва бой берилган фойдани ундиришни сўраган.

Амалдаги қонунчилигимизда ғайриқонуний ҳаракат (ҳаракатсизлик) туфайли фуқаронинг шахсига ёки мол-мулкига етказилган зарар, шунингдек, юридик шахсга етказилган зарар, шу жумладан, бой берилган фойда зарар етказган шахс томонидан тўлиқ ҳажмда қопланиши лозимлиги белгиланган.

Шунга кўра, вилоят хўжалик суди «Набиев Иброҳим бобо» хусусий ишлаб чиқариш корхонасининг бузилган ҳуқуқларини ҳимоя қилиб, унинг фойдасига «Жанубгазтаъминот» унитар корхонаси Қарши шаҳар филиалидан етказилган зарарни ундириш ҳақида қарор қабул қилган.

Юртимизда амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотлардан кўзланган асосий мақсад — жамиятни демократлаштириш, халқимиз ҳаётини фаровонлаштиришга эришишдан иборат.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, тадбиркорликка оид низоларни кўриб чиқиб, ҳал этишда қонун талабларини тўғри, тўлиқ ва адолатли қўллаш бош мезон саналади. Мамлакатимизда тадбиркор ҳуқуқи ва қонуний манфаатининг ҳар қандай бузилиши қонун билан ҳимояланган.

Акром ТЎРАҚУЛОВ,
Қашқадарё вилояти хўжалик суди судьяси

Никоҳ шартномаси

Бахт бойлик билан белгиланмайди, бироқ...

ЭР-ХОТИН ўртасида кунаро бўлиб турадиган даҳанаки жанжал, охир-оқибат ажрашишга бориб тақалди. Иш судга етиб борди. Буни қарангки, суд чиқарган қарор томонни қониқтирмади. "Мол-мулкни бўлишда ноҳақликка йўл қўйилди", деб улар икки томон ҳам тўрт томонга жар сола бошлади. Ҳар қайсиси ўзининг ҳақлигини пеш қилиб, нуфузли идоралар эшигини қоқишга тушди. Шу ўринда савол туғилади.

ХЎШ, БУНДАЙ норозиликларнинг олдини олишни қонуний йўли борми?

Албатта, бор. Оила кодексининг 24-моддасига кўра, никоҳланувчи шахслар ажрашган тақдирда уларнинг мулкий ҳуқуқ ва мажбуриятлари никоҳ шартномаси орқали белгиланади. Никоҳ шартномасининг тузилишида никоҳланувчилар қонуний никоҳда бўлишлари лозим. Шартномада кўзда тутилган мақсад никоҳ бекор қилинганда эр билан хотиннинг ҳар бирига тегишли мулкни аниқлаб олишдан иборатдир.

Бундай шартномани тузиш учун эр ва хотин муомала лаёқатига эга бўлишлари шарт. Агар улардан бирортаси муомала лаёқатига эга бўлмаса, унинг номидан никоҳ шартномасини ишончли вакил тузишга ҳақли. Никоҳ шартномаси эр-хотиннинг ўзаро розилиги билан исталган вақтда ўзгартирилиши, бекор қилиниши мумкин. Бироқ бу ёзма шаклда, нотариал тартибда тасдиқланиши шарт. Агар никоҳ шартномаси бекор қилинмаган бўлса, никоҳ тугатилишига қадар амалда бўлади.

Никоҳ шартномасига кўра, тўйда келинга бериладиган сеп, совға-салом ва ҳадялар унинг мулки ҳисобланади. Лекин ажралиш пайтида никоҳ шартномасидан бехабар кишилар, айниқса, куёв томон ўзлари берган нарсаларни қайтариб берилишини талаб қилади. Никоҳ шартномасига кўра, уларнинг бу талаби нотўғри.

Оила қурганда, албатта, никоҳ шартномаси тузиш шарт. Чунки бу ёшларнинг ўз ҳақ-ҳуқуқини англаб турмуш кечиришини таъминлайди. Турмушда улар дуч келиши мумкин бўлган нохуш вазиятларни қонуний йўл билан ҳал этишда ёрдам беради. Ортиқча кўнгилсизликларга ўрин қолдирмайди.

Баъзи ота-оналар қизим бошқалардан кам бўлмасин, деб керагидан ортиқ сеп қилишади. Ўзларича, дабдабали сеп билан куёвникига борган келиннинг тили узун бўлади, деб ўйлашади. Натижада келин бўлмиш янги борган хонадон эгаларини ҳам, турмуш ўртоғини ҳам ҳурмат қилмай қўяди. Шу тариқа ўртада келишмовчилик чиқиб, учқун аланга олиши мумкин. Бошқача айтганда, ота-оналар фарзандларига яхшилик қиламан деб, ўзлари истамаган ҳолда уларни боши берк кўчага киргизиб қўйишади.

Шунинг учун ҳам никоҳ шартномаси ҳақидаги қонун ўз мазмун-моҳияти билан муҳим ва долзарбдир.

Гулнора ҚУРБОНОВА,
Жомбой тумани 2-сон нотариал идорасининг давлат нотариуси

Никоҳ

Мен онамнинг "синглиси"ман...

Отамнинг фамилиясини ололмадим...

ҚЎШНИ қишлоққа яқинда келин бўлиб тушган қиз кўп фурсат ўтмай уйига келиб йиғлади.

– Энажон, фамилиямни отамнинг номига ўтказиб беринг. Уйимдагилар "Отангнинг кимлигини билмайсан", деб ҳақоратлашди.

Онаси эса уни юпатишга бир оғиз сўз тополмади. "Ҳамма айб ўзимда", деб ўйлади у ва қизининг ҳужжатларини олиб туман ФҲДЁ бўлимига келди.

Маълум бўлишича, онаси Самарқанд вилоятининг Пастдарғом туманига турмушга чиқиб икки йил яшаган, лекин никоҳдан ўтмаган. Кўп ўтмай умр йўлдоши билан ажрашган. Дунёга келган қиз фарзандига она ноилож туғилганлик ҳақидаги гувоҳномани ўз фамилиясига қайд қилдирган.

Бундай мисоллар афсуски учраб туради. Баъзан аёллар ёлғиз она тартибида боласига гувоҳнома олади. Тўғри, турмуш ўртоғи бор, қайнотасиникида яшайди. Фақат расмий никоҳ ҳужжати йўқ, олинмаган. Шаръий никоҳдан ўтишган холос. Оқибатда оталикни белгилашнинг имконияти бўлмайди.

Бундай ҳолларда "Набирамнинг фамилиясини нима учун ўғлимнинг эмас, келинимнинг номига қайд этдингизлар?", деб норози бўлувчи катта ёшдагиларни учратамиз ҳам.

Ўз вақтида давлат рўхатидан никоҳларини қайд қилдирмай турмуш қуриш оқибати шу каби ҳолатларга сабаб бўлади.

Туман ФҲДЁ бўлими мисолида қарайдиган бўлсак, бу масалага жиддий эътибор қаратилиб тушунтириш ишлари олиб борилмоқда. Лекин юқоридаги каби сабаблар бор, орада фарзанд туғилган. Болага нафақа олиш зарурати ҳам мавжуд. Оқибатда ёлғиз она тартибида болага гувоҳнома қайд этилади.

Бундай ҳолатларнинг олдини олишга қаратилган тушунтириш ишларини кучайтириш мақсадида туман ФҲДЁ бўлими қошидаги "Оила дорулфунуни" ўқув курсида ибратли ишлар қилинаяпти. Машғулотларимизга туман хотин-қизлар қўмитаси, тиббиёт ходимлари, маҳалла оқсоқоллари, диний вакиллар, маҳалла маслаҳатчилари бўлажак келин-қуёвларга, уларнинг ота-оналарига тўйдан олдин тиббий кўрикдан ўтиш, қонуний никоҳ ҳақида батафсил тушунтириш олиб борадилар.

Жойларда ҳам учрашув ва давра суҳбатлари ўтказилмоқда.

Озода ЖУМАЕВА,
Чироқчи тумани ФҲДЁ бўлими инспектори

ТАНЛОВ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК ИНСТИТУТИ

2009 ўқув йили учун ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда (кундузги) аспирантурага қуйидаги мутахассисликлар бўйича қабул эълон қилади:

12.00.01. — Давлат ва ҳуқуқ назарияси ва тарихи; сиёсий ва ҳуқуқий таълимотлар тарихи — 2 ўрин;

12.00.03. — Фуқаролик ҳуқуқи; оила ҳуқуқи; фуқаролик жараёни; халқаро хусусий ҳуқуқ — 6 ўрин;

12.00.06. — Қишлоқ хўжалиги ҳуқуқи; ер, сув, ўрмон ва тоғ-кон ҳуқуқи; экологик ҳуқуқ — 2 ўрин;

12.00.08. — Жиноят ҳуқуқи ва криминология; жиноят ижроия ҳуқуқи — 3 ўрин;

12.00.09. — Жиноят жараёни; криминалистика ва тезкор-қидирув ҳуқуқи; суд экспертизаси — 2 ўрин.

Ҳужжатлар 2009 йил 6 октябргача қабул қилинади.

Ҳужжат топширувчилар танланган мутахассисликлар бўйича 20 бетдан кам бўлмаган ҳажмда реферат топширишлари лозим.

Кириш имтиҳонлари танланган мутахассислик бўйича, Ўзбекистон тарихи, фалсафа, чет тиллари (инглиз, немис ёки француз)дан топширилади.

Маълумотлар учун қуйидаги манзилга мурожаат қилиш мумкин:

Тошкент ш., Сайилгоҳ кўчаси, 35 уй, Илмий ва илмий-педагогик ходимлар тайёрлаш бўлими.

Тел.: 233-45-69, 233-66-36 (113, 213)

Ватан ва миллат шаъни — муқаддас

Ўз уйинг — ўлан тўшагинг

САБР-ҚАНОАТ кишини қудратли қилганидек, шукроналик инсонга бахт-саодат ато этади. Буни кўплаб юртдошларимиз ҳаётида кўриб турибмиз. Тинчлик-осойишталик ҳамда тўкин-сочинлик таъминланган юртда ношукурликка ҳеч қандай асос бўлмаслиги керак.

БИЗНИНГЧА, сабр-қаноатни, шукроналикни, тинчлик-осойишталикни Ватан ва миллат шаъни каби тушунчалардан ажратиб бўлмайди. Инсон ўз Ватани ва миллати шаънини қай даражада қадрласа, унда шукроналик улуғворлик билан намоён бўлади. Акс ҳолда у нафс қурбонига айланиб, манқурт мақомига эга бўлади. Афсуски, ихтиёрий равишда, яъни ўз хоҳиш-истаги билан ёки ихтиёрсиз ҳолатда, кўпинча алдов йўли билан одам савдоси қурбонига айланиб қолаётганлар Ватан ва миллат шаънига доғ туширмоқдалар. Бунга мисоллар жуда кўп. Улар ҳақида кўп гапирилаяпти ва ёзилаяпти. Ошкор қилинётган мисоллар ҳамда маълумотларни ўз оммавий ахборот воситаларимиздан ўқиш, кўриш, эшитиш бошқа-ю, ўзгаларнинг муносабатлари мисолида кўриб, эшитиб, ўқиб, идрок этиш бошқа экан. Тўғриси, мени бу мавзуда фикрлашга ва ёзишга Россиянинг биринчи телеканалида шу йил июль ойида берилган «Пусть говорят» кўрсатуви сабаб бўлди. Унда асосан оила можароси тилга олинган бўлсада, аслида хатти-ҳаракатлардан ҳамда кўрсатувга бошловчилик ва ҳакамлик қилаётганларнинг мантиқсиз интилишини англаш мумкин.

Воқеа тафсилоти бундай. Бахтиёр Давлатов бир неча йил олдин ишлаш учун Сибирь қишлоқларидан бирига бориб, катта ёшли Татьяна исмли рус аёли билан танишиб қолади. Улар ўзаро келишиб, турмуш қуришади.

— Менинг Ўзбекистонда ҳам хотиним ва уч нафар фарзандим бор, уларни вақтинча олиб келсам майлими? — дейди Бахтиёр.

— Хотинингни исми нима? — қизиқиб сўрайди Татьяна.

— Дилфуза.

— Бўлмаса уни тезда болалари билан бирга олиб кел, Дилфуза бизга палов пишириб беради.

Татьяна пайтдан фойдаланиб, темирни қизиғида босади:

— Бахтиёр, менинг ҳам олдинги эримдан уч фарзандим бор!..

— Улар ҳозир қаерда?

— Болалар уйига топшириб юборганман, боқолмадим. Каттаси улғайиб, йигит бўлиб қолди.

— Ҳаммасини ўзим боқаман, уларни бу ерга олиб кел, энди бирга яшаймиз, — дейди Бахтиёр.

Шундай қилиб, улар катта оила бўлиб бирга яшай бошлайдилар. Шу орада Татьяна Бахтиёрдан ҳам икки фарзанд кўради. Бироқ унинг олдинги эридан туғилган ва вояга етган ўғли билан ўгай ота ўртасида низо келиб чиқа бошлайди. Ичкиликка берилган Татьяна ўғли томонга ўтиб олади. Унинг шишадош дугоналари ҳам «келгинди ўзбек»дан қутулишни маслаҳат берадилар. Бахтиёр эса ишидан ажралгиси келмайди. Низо эса кучайиб бораверади.

«Пусть говорят»да ана шу оила аъзолари учрашдилар. Дилфуза эрини маъқуллади, Татьяна эса ўғлини ҳимоя қилди. Йигитча студияда важоҳат билан ўгай отага ташланди, уни ушлаб қолишди. Тўғриси, бунда гап бир оиланинг фожиасидагина эмас. Бундай фожиалар кўп. Ёмон таъсир қилган нарса шу бўлдики, залда ўтириб мунозарада қатнашганлар ва кўрсатувда ҳакамлик қилганлар масалага бир томонлама ёндошиб, Бахтиёрнинг ўзбеклигига, ўзбеклар «айёр халқ» эканлигига, бола-чақали одам нега ўз юртида яшамасдан, Сибирда дайдиб юрганлигига, ўгай болаларни Татьянанинг уйига эга бўлиш учун

боққанлигига урғу беришди. Бу ҳам етмаганидек, кўрсатув охирида бошловчи Андрей Малахов Бахтиёрни огоҳлантириб: «Билиб қўй, агар Танянинг сочидан битта толаси тушса ҳам сени Ўзбекистоннинг ҳар қандай чекка қишлоқларидан излаб, топиб оламиз!», — деди.

Бу ерда андишасизларнинг гап-сўзларидан кўра кўпроқ Бахтиёрнинг бегона юртда дайдиб, оиласини сарсон-саргардон қилиб қўйганидан ҳамда ўзгаларнинг таъна-дашномларидан ор қилмай, миллати шаънига доғ туширганидан афсусланасиз. Ҳакамлардан бири унга ҳаққоний бир гапни айтди: «Ёқимтой эркак экансиз, Ўзбекистондаги хотинингиз ҳам жуда чиройли, пазанда аёл экан, уч фарзандингизга жуда-жуда ҳавас қилдим, нега Сибирга бориб, фарзандларини болалар уйига топшириб, ўзи ичкиликбозликка берилган аёлга уйланиб юрибсиз, ёши ҳам сиздан каттага ўхшайди?» Бахтиёр жавоб беролмади. Залда ўтириб мунозарада қатнашаётганлардан бири эса: «Бахтиёр, Ўзбекистонга қайтиб кетсангиз, Танядан туғилган икки фарзандингизни ҳам олиб кетинг, бўлмаса у уларни ҳам болалар уйига топшириб юборади», — деди.

Ўзини-ўзи хўрлаган эркак шундай аҳволга тушади. Унга ачинишни ҳам, ачинмасликни ҳам билмайсиз. Бироқ оила, Ватан, миллат, миллий қадриятлар муқаддаслигини унутиб, ғурурини йўқотган ва ўз иззат-ҳурматини билмайдиганларни кечиролмайсиз. Афсуски, бундайлар якка-ёлғиз эмас. Тул қолаётган ёш келинлар, отаси кимлигини ёки қаердалигини билмайдиган гўдак болалар, қаёққадир ғойиб бўлган фарзанди доғида ҳаётдан кўз юмаётган ота-оналар ҳақида эшитганда қалбингизда оғриқ пайдо бўлади. Эшитиш ҳам гапми, баъзан ўзимиз ҳам кўриб ва билиб, гувоҳи бўлиб турибмиз.

Мана, бир мисол. Тўйтепа шаҳридаги яхшигина ҳовлида Йўлдош исмли йигит оиласи, яъни онаси, хотини, уч нафар фарзанди билан яшарди. Ҳеч нарсадан камчилиги йўқ, ўзи ҳам, хотини ҳам топарман-тутарман бўлиб, кўни-қўшнилар бу оилага ҳавас қиларди. Бундан беш-олти йил олдин Россияга бориб, «ботмонлаб» пул топаётганлар ҳақидаги мишмишлар Йўлдошга ҳам тинчлик бермай қўйди. Олти ой ишлаб келсам, олти йил еб ётамиз, деб бир амаллаб онани ҳам, хотинни ҳам кўндирди. Мана, олти йилдирки, Йўлдош топганини ўша Россияда еб ётипти. Ўша ерда уйланиб, бутунлай қолиб кетди. Айтишларича, икки нафар фарзандли бўлибди. Бу ердаги фарзандлари эса ота соғинчида ичикиб кетишди.

Ота номини эшитишса, хўрликлари келиб, йиғлашади. Икки йил олдин Йўлдошнинг хотини эрига аччиқ қилиб, бошқа кишига турмушга чиқди. Ҳозир унинг фарзандларини ўгай ота боқаяпти. Тўйтепадаги катта ҳовлида ёлғиз она қолди. У энди нафақат фарзандга, балки невараларга ҳам зор. Йўлдош она олдидаги фарзандлик бурчини ҳам, фарзандлари олдидаги оталик бурчини ҳам, Ватан ва оиланинг муқаддаслигини ҳам, эркаклик виждони ва ғурурини ҳам унутди. У «ботмонлаб» пул топаман деб, ғафлат ботқоғига ботиб қолганлардан бирига айланиб қолди.

Ношукурлик ана шундай фожиага олиб келади.

Умуман, ношукурлик баъзи бировларни кўп балоларга гирифтор қилмоқда. Бизнинг бозорларимиздай бозор ҳеч жойда йўқ. «Ботмонлаб» пул топаман деб четга чиқиб, ойлаб, йиллаб ишлаб, бироқ иш ҳақи ололмай, қорни нонга тўймай, ёзда меванинг мазасини татий олмай, иложсизликдан фоҳиша ёки ичкиликбоз аёлларга илакишиб қолаётган, ҳужжатсиз қуллик исканжасига тушиб қолаётган, қайтишга пули йўқ ёки дом-дараксиз кетаётган йигитлар оз дейсизми?! Баъзан телеэкранда кўрганда, газетада ўқиганда, қўни-қўшни, таниш-билиш, қариндош-уруғдан эшитганда уларга ачинмай ёки афсусланмай иложингиз йўқ. Иродасиз, адашган, алданган юртдошларимиз улар. Аслида ҳаммасига ношукурлик сабабчи.

Ҳар ерни қилма орзу, ҳар ерда бор тошу тарозу, деган гап бор. Менинг Ўртачирчиқ туманида Зиёд Бўрибеков деган бир танишим бор. Миллати қозоқ. Тўғри сўз ва диёнатли инсон. Қўшни мамлакатда қариндошлари кўп. Зиёд яқинда уларни бориб кўриб келди. Биз узоқ суҳбатлашдик. «Биласизми, — деди у менга, — тўкинчиликда, мўлкўлчиликда минтақада Ўзбекистонга етадиган юрт йўқ. Мен бориб келаётган жойда пул бўлгани билан ҳамма нарса қиммат. Бунинг устига ёз неъматлари бу ердагидек сероб эмас. У ернинг одамлари мева-чева, полиз ва сабзавот маҳсулотлари, асосан Ўзбекистондан боришини кутишади. Агар бормай қолса, нарх-наво осмонга чиқиб кетади. Улар бизнинг бозорларимизга ҳавас қилишади».

Ана шундай пайтда юртимиз билан фахрланамиз, албатта. Беихтиёр «ўз уйинг – ўлан тўшагинг» деган ҳикмат ёдга тушади. Ўз уйинг деганда Ватанни, ўлан тўшак деганда юртнинг ободлигини, мўл-кўлчиликни, тинч-осойишта ҳаётни тушунамиз. Шунинг учун ҳам Ватан ва миллат шаъни муқаддаслигини ҳеч қачон унутмайлик.

Иброҳим НОРМАТОВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист

Тошкент шаҳар адлия бошқармаси жамоаси Чилонзор тумани 4-сонли давлат нотариал идораси нотариуси Есенбаев Шерзод Зиятовичга онаси **Тозагул ая ХЎЖАНОВА**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

ИНСОН ва ҚОНУН
МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
1996 йилнинг январидан нашр этилади
2007 йил 3 январда Ўзбекистон Матбуот ва Ахборот агентлигида 0081-рақам билан рўйхатга олинган
ISSN 2010-7897
Бош муҳаррир: Қўчқор НОРҚОБИЛ
ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Аҳмедов Абдуҳалим Абдураимович
Мустафаев Бўритош Мустафаевич
Ражабова Мавжуда Абдуллаевна
Рахмонов Абдукамол Шодиевич
Матрасулов Давлатназар Раҳимберганович
Тўраев Тўра Эргашевич
Саидов Шокир Камолович
Ҳамроев Ислом Ҳамзаевич
Навбатчи: Ёрбек ИСКАНДАРОВ
Саҳифаловчи-дизайнер: Тўлкин РАУПОВ
Индекс: 646882
«ИНСОН ВА ҚОНУН» газетаси таҳририяти компьютер базасида терилди ва саҳифаланди. А-2 бичимда, 2 босма табоқ ҳажмда, офсет усулида «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди.
Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси 41-уй.
Буюртма Г-815. Тиражи — 13444. Босишга топшириш вақти — 21.00
Топширилди — 19.00 t — тижорат мақола.
МАНЗИЛИМИЗ: 100047, Тошкент ш. Сайилгоҳ кўчаси-5.
Тел: 233-95-31, Факс: 233-84-50
e-mail: info@press-iq.uz
1 2 3 4 5